

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

26-сон  
(1150)  
2024 йил  
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

- «Иқлим ўзгаришига нисбатан барқарор агроэкотизимни яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчиларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларга мослашувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 июндаги ПҚ-233-сон қарори
- «Паррандачилик соҳасини янада қўллаб-қувватлаш, замонавий генетик технологиялар ва кооперация тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 июндаги ПҚ-238-сон қарори

### Учинчи бўлим

- «Тазийк ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизимини йўлга

қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июндаги 354-сон қарори

214. «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ва унинг тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларининг бино ва иншоотларидан самарали фойдаланиш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 июндаги 358-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

215. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 22 майдаги 17/21-сон «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-4*)
216. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 30 майдаги 15-сон «Уруғлик пахта хом ашёсини жамғариш, белгилangan стандарт талаблари бўйича сақлаш ва дастлабки қайта ишлашгача бўлган жараённинг тўғри бажарилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3522*)
217. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 6 майдаги 4-сон «Қимматли қофозлар даромадлари (дивиденdlар, фоизлар) тўловларини «Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» АЖ ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3523*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҶАРОРИ

**211 Иқлим ўзгаришига нисбатан барқарор агроэкотизимни яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ ҳавфларга мослашувчанигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Минтақада ўртача ҳаво ҳарорати ҳар йили кўтарилаётганлиги оқибатида сув танқислиги, шўрланиш ва тупроқ деградациясининг олдини олиш, қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш ҳамда унинг иқлимга бўлган салбий таъсирини юмшатиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) қишлоқ хўжалиги соҳасини иқлим ўзгаришига мослаштириш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рафбатлантириш тадбирлари учун:

БМТнинг Яшил иқлим жамғармаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда иқлимга мослашувчан қишлоқ хўжалиги амалиётларини кенгайтириш ва аграр соҳанинг унга бўлган таъсирини юмшатиш» дастури доирасида 200 миллион АҚШ доллари миқдорида;

Евropa Иттифоқининг 27 миллион евро, Глобал экологик жамғармасининг 10 миллион АҚШ доллари миқдорида;

Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг «Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликка қаратилган ривожланиш» лойиҳасининг 12 миллион евро миқдорида;

Глобал экологик жамғарма ҳамда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши билан боғлиқ лойиҳалар учун 25 миллион АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари жалб қилиш бўйича битимлар имзолангандиги ва мазкур грант маблағларининг йўналтирилиши;

б) дарахтзорлардан иборат ландшафтларни тиклаш ва бошқаришга Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳаси доирасида 116,5 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли қарз маблағларини жалб қилиш бўйича битим имзолангандиги ва йўналтирилиши;

в) 2024 йил учун Давлат бюджети параметрларида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги харажатлар учун 100 миллиард сўм ҳамда ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш учун 40 миллиард сўм маблағ ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 июнда эълон қилинган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доирасида соҳанинг иқлим ўзгаришига мослашиши ва унинг иқлимга салбий таъсирини юмшатиш, қурғоқчилик ва ерлар деградациясига қарши курашиш, яйловлар биохилмаҳиллиги ни сақлаш (қайта тиклаш), янги инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда соҳага кенг жорий қилиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъул этиб белгилансин.

2. Қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш ва соҳанинг иқлимга салбий таъсирини юмшатиш бўйича миллий дастур (кейинги ўринларда — Миллий дастур) 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Миллий дастурни амалга оширишнинг устувор йўналишлари сифатида қўйидагилар белгилансин:

иқлим ўзгаришига боғлиқ бўлган худудларда амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали ташкил этиш;

иқлим ўзгаришлари шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро грант лойиҳалари доирасидаги тадбирларни амалга ошириш;

иқлим ўзгаришига боғлиқ бўлган табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

яйловлардан самарали фойдаланишни ҳамда уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш.

4. Миллий дастур ижросини мувофиқлаштирувчи идоралараро ишчи гурӯҳ таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан ҳамда қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчиларни фавқулодда вазиятлар рўй бериш хавфи (жумладан, ҳароратнинг аномал ўзгариши, сел оқимлари ва тошқинлари, дўл ёғиши ва қурғоқчилик) ҳамда чигиртка ва бошқа зараркунандалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан эрта огоҳлантириш тизимини ишлаб чиқиш;

халқаро молия институтларининг кредит ва грант маблағлари, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ўлга кўйиш;

дехқон, фермер ва агрокластерлар ходимларининг экологик маданиятини ошириш, аграр соҳани иқлим ўзгаришига мослаштириш бўйича билим даражаси ва қўнікмаларини мунтазам ошириб бориш;

қишлоқ хўжалигида иқлими ўзгариши ва унинг оқибатларидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш учун илмий-оммабоп, таҳлилий материаллар тайёрлаш, соҳадаги тадқиқотлар натижаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар орасида кенг оммалаштириш чораларини кўриш.

5. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ва-

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан биргаликда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ҳамда ҳимоя ўрмонлари (иҳота) барпо этиш доирасида:

чўл, тоғли ва тоғ олди ҳудудларда чўлланиш ва қум кўчиши, тупроқнинг сув ва шамол эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик мухитни яхшилаш мақсадида ҳимоя ўрмонлари (иҳота) барпо этсин;

дала четлари, яйловлар ва очиқ ер майдонларини маданий экинлар, буталар, галофитлар ва чўл ўсимликлари билан қоплашнинг фойдали томонлари тўғрисида ташаббускорларга қўргазмали семинарлар ташкил қилсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан биргаликда:

а) Европа Иттифоқининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларирида барқарор турмуш тарзи ҳамда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини ривожлантиришда бюджет кўмаги» дастури доирасида жалб қилинадиган 6 миллион евро грант маблағларини қўйидагиларга йўналтириш чораларини кўрсинг;

республиканинг турли иқлим шароитларига эга ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида томорқа ер эгалари ва дехқон хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнида замонавий инновацион технология ва амалиётлар жорий этилишини рағбатлантиришга;

қишлоқ хўжалигига иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар ва хатарларни бартараф этишга қаратилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштиришга;

Миллий дастур доирасида таълим ва агромаслаҳат тадбирларини молиялаштиришга, жумладан, лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этган ва юқори натижага эришган хорижий мутахассислар, консультант ва маҳаллий эксперtlарни рағбатлантиришга;

қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмилари самарадорлиги ва натижадорлигини бенефициарлар кесимида мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини йўлга қўйиш;

б) Глобал экологик жамғармадан жалб этиладиган 10 миллион АҚШ доллари қўйидагиларни ўз ичига олувчи грант лойиҳаларини самарали амалга оширишга:

иқлим ўзгаришига мослашиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, тупроқ ва яйлов ерлари деградациясининг олдини олиш, халқаро тажрибалар асосида ерга минимал ишлов бериш (min-tillage), шунингдек, ерни ағдармасдан экиш (no-tillage) усуllibаридан фойдаланган ҳолда экин парваришини йўлга қўйиш ҳамда янги ресурс тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун — 4 миллион АҚШ доллари;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантириш, томорқа, дехқон ва фермер хўжаликларида мақбул қишлоқ хўжалиги ва атроф-мухит амалиётидан фойдаланишини рағбатлантириш, агробиохилма-

хилликни муҳофаза қилиш, экотизимларни тиклаш ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш тадбирлари учун — 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилишини таъминласин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йил якунига қадар Яшил иқлим жамғармаси томонидан ажратилаётган маблағлар хисобидан қишлоқ хўжалигига иқлим ўзгаришларини мониторинг қилиш, хисботини юритиш ва тасдиқлаш глобал тизими доирасида миллий платформани жорий қилсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан иссиқхона газлари савдо-сини тартибга солиш бўйича ушбу йўналишда лойиҳаларни амалга ошириш даврида мониторинг ва хисботларни юритиш тизими ҳамда иссиқхона газлари савдоси бўйича халқаро лойиҳаларни амалга оширишнинг вақтинчалик тартиби белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2024 йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги соҳасида иссиқхона газларини қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни аниқлаш, мувофиқлаштириш, шунингдек, уларни амалга оширишдан олдинги босқичда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига иссиқхона газлари савдоси бўйича лойиҳаларни амалга ошириш тартибига мувофиқ равишда киритилишини таъминласин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

иқлим ўзгаришига мослашиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, тупроқ ва яйлов ерлари деградациясининг олдини олиш, очик яйловлар, дала четлари, бўш турган очик ер майдонлари (очик ўрмон ерлари)да дарахтлар, кўп йиллик буталар экиш бўйича жойларда семинар-тренинглар ўтказилишини таъминласин;

«Ҳар бир фуқаро учун — бир дарахт» тамоили асосида кўрик-танлов ташкил этиб, уни республикада оммалаштириш чораларини кўрсин.

10. Сув хўжалиги вазирлиги уч ой муддатда суғориш сувидан узок бўлган очик яйловлар ва ноқулай ландшафт шароитига эга бўлган майдонларда тик қудуқлар ташкил қилишни ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишни давлат томонидан кўллаб-куватлаш тўғрисида кўргазмали тренинглар ташкил этсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Фанлар академияси билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалигига иқлим ўзгаришига боғлиқ хавфларга мослашувчанликни ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб тасдиқласин.

Бунда 2024 йилдан бошлаб глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига бардошли янги нав ва дурагайларни яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини парваришилашнинг ресурс тежайдиган технологияларини ишлаб чиқиш, тупроқ шўрланишини камайтириш юзасидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида илмий лойиҳалар танловини доимий равища эълон қилиб борсин.

12. Ҳисоб палатаси мазкур қарор билан жалб этилиши кўзда тутилган маблағларни вазирлик ва идоралар ҳамда Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни томонидан мақсадли ва тўғри ишлатилиши ва белгиланган чора-тадбирларнинг бажаришини назоратга олсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, шу жумладан қишлоқ хўжалигига экинларга етказиладиган заарлар, иқлим ўзгариши, сув танқислиги, чўлланишнинг ортиб бориши, сел келиши, экологик муҳитга етказиладиган бошқа салбий таъсирлар илмий-таҳлилий асосда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларга З-илювага\* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдураҳмонов ҳамда иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари И.И. Норқулов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 24 июнъ,  
ПҚ-233-сон

\* З-илюва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**212 Паррандачилик соҳасини янада қўллаб-қувватлаш, замонавий генетик технологиялар ва кооперация тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакат аҳолиси учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган паррандачилик маҳсулотлари билан ички бозорларни тўлиқ таъминлаш, паррандачилик соҳасида замонавий генетик технологияларни жорий этиш ва наслчиллик материаллари етиширишни кўпайтириш, экспортни ривожлантириш ҳамда маҳаллий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни оширишга қартилган лойиҳаларни молиялаштириш тизимини янада яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-292-сон қарорида парранданинг генетикасини ташкил этиш юзасидан етакчи генетик компаниялар билан музокаралар ўтказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, «Паррандасаноат» уюшмаси ва «Микрокредитбанк» АТБнинг хорижий тажриба ҳамда кичик қувватдаги паррандачилик хўжаликлари билан кооперация тизимига асосланган «Агропарранда кластери» лойиҳасини қўйидаги тартибда амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) гўшт йўналишидаги паррандаларнинг 100 минг бош қувватдаги I тартибли репродуктор ота-она галаси наслчиллик корхонасини Зомин, Бахмал, Булунғур ва Фаллаорол туманларида ташкил этиш;

б) Тошкент вилояти Оҳангарон ва Паркент туманларида:

гўшт йўналишидаги паррандаларнинг II тартибли репродуктор наслчиллик корхонасини қуриш ҳамда йилига 135 миллион бош финал-гибрид жўжаларни етиширишни йўлга қўйиш;

700 минг тонна омухта-ем ишлаб чиқариш, 100 минг тонна парранда гўштини чуқур қайта ишлашга мўлжалланган йирик мажмуалар ва замонавий кушхонани ишга тушириш.

3. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда гўшт йўналишидаги паррандаларнинг I тартибли репродуктор ота-она галаси наслчиллик корхонаси (санитария зонаси билан биргаликда) қурилиши учун Зомин, Бахмал, Булунғур ва Фаллаорол туманлари худудларидан 200 гектар ер участкасининг ажратилишини таъминласин.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги икки ой муддатда II тартибли репродуктор наслчиллик корхонаси, парранда гўштини етишириш фермалари, замонавий кушхона ва гўштини чуқур қайта ишлаш ҳамда омухта-ем ишлаб чиқариш йирик мажмуаларини қуриш учун Паркент ва Оҳангарон туманларининг «Аг-

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 28 июняда эълон қилинган.

ропарранда кластери» лойиҳасини амалга оширишга қулай бўлган худудидан 200 гектар ер участкасининг белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, «Агропарранда кластери» лойиҳаси қўйидаги манбалар хисобидан молиялаштирилади:

чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун жалб этилган халқаро молия институтлари маблағлари хисобидан 40 миллион АҚШ доллари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июнданги «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5146-сон қарорига асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан паррандачилик лойиҳаларини молиялаштиришга «Микрокредитбанк» АТБга II босқичда йўналтирилган маблағлар хисобидан 35 миллион АҚШ доллари;

loyiҳa ташаббускорининг 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари.

6. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой муддатда:

I босқичда «Микрокредитбанк» АТБга ажратилган 35 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни қайтариш муддатини қўшимча 3 йилга узайтиrsin;

II босқичда ажратилиши белгиланган 35 миллион АҚШ доллар миқдоридаги маблағни паррандачилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириш учун «Микрокредитбанк» АТБга ажратилишини таъминласин.

Бунда мазкур маблағлар доирасида ажратилган кредитлардан қайтган маблағлар тўлиқ паррандачилик соҳасини кредитлашга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари фойда солиғи ва мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

2030 йил 1 январга қадар паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини (экин майдонларидан ташқари) тўлашдан озод этиш;

2024 йил 1 июлдан бошлаб парранда гўштини (ТИФ ТН коди 0207) экспорт қилишда мавжуд барча чекловларни бекор қилиш;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб янги сўйилган, совитилган ёки музлатилган уй паррандаси гўшти ва қўшимча озуқабоп маҳсулотлари (бутун гўшт, қанот, бел, бўйин, окорочок, голен, сон, кийма ва тери) Ўзбекистон худудига олиб киришда белгиланган божхона божи бўйича берилган имтиёзни бекор қилиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги уч ой муддатда мазкур банддан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутивчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Паррандачилик соҳасини янада қўллаб-қувватлаш, замонавий генетик технологиялар ва кластер тизимини жорий этиш ҳамда наслчилик материаллари ишлаб чиқаришни қўпайтириш бўйича ишчи гурух таркиби ва унинг вазифалари 1\* ва 1а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

Ишчи гурух (Ж. Ходжаев) Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги элчихоналари билан парранданинг гўшт ўналиши ривожланган хорижий, шу жумладан АҚШ генетик компаниялари билан музокаралар ўтказиб, тегишли келишувларга эришилишини таъминласин.

9. «Микрокредитбанк» АТБнинг ўз маблағлари хисобидан:

а) паррандачилик соҳасини 2025 — 2027 йилларда ривожлантириш стратегияси лойиҳасини, шу жумладан соҳани рақамлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш учун тендер асосида катта тўртлик консалтинг компанияларидан бирини жалб этиш;

б) 2024 — 2026 йилларда «Паррандасаноат» уюшмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ойлик иш ҳақи, ходимларни моддий рафбатлантириш ҳамда уюшманинг сақлаш харажатларини қоплаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсан.

Бунда мазкур мақсадлар учун 2024 йилда 10 миллиард сўмгача ва 2025-2026 йилларда ўилига 7 миллиард сўмгача бўлган миқдордаги маблағлар ўналтирилиши белгилансин.

10. Қўйидагилар:

2024 йилда парранда тухуми ва гўшти ишлаб чиқариш ҳажмлари прогноз кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ;

2024-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида гўшт ўналишидаги ўрик саноатлашган паррандачилик корхоналарини ташкил этиш қувватлари 3-иловага\* мувофиқ;

Паррандачилик соҳасини келгусида ривожлантиришнинг устувор ўйналишлари 4-иловага мувофиқ;

Паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва генетик технологияларни жорий этиш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

11. «Паррандасаноат» уюшмаси ҳамда АТБ «Микрокредитбанк»нинг:

республикада паррандачилик соҳасида, шу жумладан кооперация тизимида паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «тайёр бизнес» лойиҳаларини (келгуси ўринда — «тайёр бизнес» лойиҳалари) амалга ошириш;

«Паррандасаноат» уюшмаси таъсисчилигидаги «Parranda investment» масъулияти чекланган жамияти томонидан республика ҳудудларида «тайёр бизнес» лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5146-сон қарорига мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан «Микрокредитбанк» АТБга ажратилган мақсадли маблағларнинг I босқичидан қайтган ва «Микрокредитбанк» АТБ томонидан бошқа халқаро молия институтларидан жалб этилган

\* 1 — 3, 5 -иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

маблағларни «Parranda investment» МЧЖ томонидан паррандачилик соҳасида «тайёр бизнес» лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда:

паррандачилик соҳасида «тайёр бизнес» лойиҳалари билан боғлиқ барча харажатларни (войиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш, уни экспертизадан ўтказиш ва бошқалар) молиялаштириш учун кредитлар, лойиҳалар муддатига мутаносиб равишда йиллик 14 фоиз ставкада, келгусида инвестиция лойиҳасини босқичма-босқич гаровга олиш шарти билан суғурта полиси асосида ажратилди;

мазкур лойиҳалар доирасида, кредит қайтмаслиги хатарини суғурталаш билан боғлиқ харажатлар ушбу кредит маблағлари ҳисобидан қопланади.

12. Белгилансинки, «Parranda investment» МЧЖ томонидан «тайёр бизнес» лойиҳаларини сотишдан тушган маблағлар биринчи навбатда «Микрокредитбанк» АТБдан жалб қилинган кредитларни (асосий қарз ва фоиз тўловлари) сўндиришга йўналтирилади ва қолган маблағлар компания ихтиёрида қолдирилади.

13. Ишчи гурӯх (Ж. Ходжаев)га ички бозорда аҳоли талаби мавсумий пасайиши ва парранда маҳсулотлари нархлари кескин ўзгариши хавфи юзага келган ҳолатларда, шунингдек, маҳсулотларнинг ўз таннахидан арzon сотилишини олдини олиш мақсадида, тижорат банклари томонидан паррандачилик хўжаликларига ажратилган кредитларни қайтариш муддатларини белгиланган тартибда узайтириш масаласини кўриб чиқиш вазифаси юклатилсин.

14. Ҳисоб палатаси мазкур қарор доирасида паррандачилик лойиҳаларини молиялаштириш учун ҳамда «Микрокредитбанк» АТБ томонидан «Паррандасаноат» уюшмасини сақлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат ўрнатсан.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 27 июнь,  
ПҚ-238-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 27 июндаги  
ПҚ-238-сон қарорига  
1а-ИЛОВА

**Паррандачилик соҳасини янада қўллаб-қувватлаш,  
замонавий генетик технологиялар ва кластер тизимини  
жорий этиш ҳамда наслчилик материаллари ишлаб  
чиқаришни кўпайтириш бўйича ишчи гурухнинг  
ВАЗИФАЛАРИ**

Кўйидагилар Ишчи гурухнинг асосий вазифалари ҳисобланади:  
хорижий давлатлар тажрибаларини ҳар томонлама ўрганган ҳолда гўшт  
йўналишидаги паррандаларнинг I тартибли репродуктор ота-она галаси насл-  
чилигини ташкил этиш;

паррандачилиқда наслчилик ишларида халқаро умумэътироф этилган  
стандартлар ва унинг энг юқори намуналарига мувофиқ илфор замонавий  
генетик технологияларни жорий этиш;

паррандачилиқда наслчилик ва генетик технологияларни ривожланти-  
риш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб бориши  
ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, жумладан озуқа базасини  
мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

паррандачилиқда наслчиликни халқаро талаблар асосида тизимли ривож-  
лантиришга доир норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва  
таклифлар ишлаб чиқиш;

паррандачилиқда наслчилик иши билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот  
муассасалари ва селекция марказлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда  
кадрлар малакасини ошириш;

гўшт йўналишидаги паррандалар наслчилигида халқаро умумэътироф  
этилган стандартларни ва ривожланган давлатларнинг тажрибаларини жойи-  
га чиқсан ҳолда ҳар томонлама ўрганиш;

«Агропарранда кластери» лойиҳаси доирасида паррандаларнинг I тар-  
тибли репродуктор ота-она галаси наслчилигини ташкил этиш юзасидан  
таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 27 июндаги  
ПҚ-238-сон қарорига  
4-ИЛОВА

## **Паррандачилик соҳасини келгусида ривожлантиришнинг УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Қуидагилар паррандачилик соҳасини келгусида ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

паррандачилиқда генетик технологияларни жорий этиш, наслчилик материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва I тартибли репродуктор ота-оналиқ галаси наслчилик корхоналарини ташкил этиш;

паррандачилик соҳасини озуқа-ем маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва захира фондидағи дон маҳсулотлари ҳисобидан интервенция тизимини жорий этиш орқали паррандачилик хўжаликларига етказиб бериш;

юқори намунада ва халқаро даражадаги стандартлар асосида паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда кооперация тизимини кенг кўламда жорий этиш, қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш, чуқур қайта ишланган маҳсулотлар турларини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш;

соҳага инновацияларни кенг кўламда жалб этиш, жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларини барпо этиш, чиқиндиларни утилизация қилиш ҳамда озуқаларни биотехнология усулларида чуқур қайта ишлаш;

мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, паст рентабелли корхоналарни иқтисодий соғломлаштириш ҳамда соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириб бориш;

«Паррандасаноат» уюшмаси ва барча паррандачилик хўжаликларининг «паррандаси борнинг — баракаси бор», «парранда етти хазинанинг бири» ва «парранда боқиш — даромад топиш» тамойиллари асосида фаолият юритишни асосий мезон сифатида белгилаш.

## УЧИНЧИ БЁЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**213 Тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 10 майдаги ПҚ-175-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 10 майдаги ПҚ-175-сон қарори билан:

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолати ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг «102» телефон рақамларига келиб тушган мурожаатлар асосида ички ишлар органлари ходимлари томонидан рўйхатга олиниши;

тазийқ ва зўравонликка учраган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари (кейинги ўринларда — хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари) дастлаб туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларининг бирламчи кўмак хонасига (кейинги ўринларда — бирламчи кўмак хонаси) жойлаштирилиши ҳамда уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши;

2024 йил 1 июндан бошлаб туман (шаҳар) марказий шифохоналари шошилинч қабул бўлимида бирламчи кўмак хонаси Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоятларида, 2024 йил 1 октябрдан бошлаб республиканинг қолган барча худудларида ташкил этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларига (кейинги ўринларда — ҳудудий марказлар) жойлаштириш ва вақтинча бошпана (шелтер) билан таъминлаш ҳамда улардан чиқариш;

---

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 июнда эълон қилинган.

хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида шакллантириш ва юритиш;

хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» марказлари) ҳамда худудий марказлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг мониторинги.

### 3. Белгилансинки:

бирламчи кўмак хонаси ташкил этилгунига қадар хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига қўшимча реабилитацияга муҳтоҗлик аниқланган ҳолларда, ҳимоя ордери асосида худудий марказларига жойлаштирилади;

«112» ягона диспетчерлик хизмати ҳамда 1146 қисқа рақамли «ишонч телефони»га тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаатлар келиб тушганда, мутахассислар томонидан хотин-қизларга ижтимоий, психологик, ҳуқуқий ҳамда бошқа масалаларда маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш каби хизматлар кўрсатилади. Бунда хотин-қизларга шошилинч руҳий, психотерапевтик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда тазийқ ёки зўравонлик содир этган шахсларга чора кўриш зарур бўлган ҳолларда, мазкур қўнғироқлар ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг «102» телефон рақамларига йўналтирилади;

патронаж ҳамшираси томонидан хонадонларга ташриф буюриш жараёнида кузатилган хотин-қизларга тазийқ ёки зўравонлик ҳолати юзасидан зудлик билан мажбурий равишда ички ишлар органлари хабардор қилинади;

тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга мазкур қарор талаблари асосида ижтимоий хизматлар кўрсатилиши учун Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази масъул ҳисобланади;

худудий марказлар томонидан ишлаб чиқилган якка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастури давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз ваколатлари доирасида бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

### 4. Қўйидагилар:

Туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларида бирламчи кўмак хоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш бўйича минимал талаблар 2-иловага мувофиқ;

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази нинг худудий марказларида ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун зарур инфратузилмани шакллантириш бўйича «йўл ҳаритаси» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда хотин-қизларни касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш даврида уларнинг фарзандларига қараб туриш хизматини ташкил

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

этиш заруратидан келиб чиқиб, худудий марказларга Агентлик тизими ташкилотларининг мавжуд штат бирликлари доирасида қўшимча тарбиячи штат бирлигини киритишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоятларида, республиканинг қолган барча худудларида эса 2024 йил 1 сентябрга қадар туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларида 2-иловага мувофиқ минимал талаблар асосида туну кун ишлайдиган бирламчи кўмак хоналари ташкил этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Агентлик бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари учун тазийик ҳамда зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий ва реабилитация хизматларни кўрсатиш ҳамда уларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш тизимини ташкил этиш бўйича малака ошириш курсларини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Агентлик, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 сентябрга қадар мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимини такомиллаштириш ва заруратга кўра унинг бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Б. Махкамова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 25 июнь,  
354-сон

Вазирлар Мажкамасининг  
2024 йил 25 июндангы 354-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг  
вояга етмаган фарзандлариiga ижтимоий хизмат кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент тазийқ ва зўравонликка учраган, ўз жонига суикасад қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлариiga (кейинги ўринларда — хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари) ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган шахслар, бошқа жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан тазийқ ва зўравонлик ҳолати тўғрисида қуидаги шаклларда мурожаат қилинади:

«Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» марказлари) ёки ижтимоий ходимга;

ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг «102» телефон рақамларига ёки бевосита профилактика инспекторлариiga;

«112» ягона диспетчерлик хизмати ҳамда 1146 қисқа рақамли «ишенч телефони»га.

3. Тазийқ ва зўравонлик ҳолати «102» қисқа рақамига ҳамда профилактика инспекторлариiga келиб тушган мурожаатлар асосида ички ишлар органлари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

4. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлариiga ижтимоий хизматлар «Инсон» марказлари, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Республика марказининг ҳудудий марказлари (кейинги ўринларда — ҳудудий марказлар) томонидан кўрсатилади.

Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлариiga ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнига нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ижтимоий буюртмаси орқали жалб этилиши мумкин.

Зарур ҳолларда хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлариiga, шу жумладан тил (нутқ) ёки сенсор функциялари бузилган ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнига тор доирадаги мутахассислар жалб этилади.

5. «Инсон» марказлари хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлариiga кундузги қатнов шаклида қисқа ҳамда узоқ муддатли ижтимоий, психологияк ва ҳукукий хизматлар кўрсатади.

Мазкур турдаги хизматларни кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан белгиланади.

6. Ҳудудий марказлар томонидан якка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастурига мувофиқ 6 ой муддатгача вақтинчалик бошпана (шелтер),

ижтимоий реабилитация, хуқуқий, психологик ва мазкур Регламентга мувофиқ бошқа турдаги хизматлар кўрсатилади.

**2-боб. Тазийқ ва зўравонлик тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш ҳамда шахснинг ҳолатини баҳолаш**

**1-§. «Инсон» марказлари томонидан тазийқ ва зўравонлик тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш, шахснинг ҳолатини баҳолаш ва хизматлар кўрсатиш**

7. «Инсон» марказлари тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг мурожаати асосида сўровнома ўтказган ҳолда уларнинг ҳолатини баҳолайди.

Сўровнома шакли ва уни ўтказиш тартиби Агентлик томонидан тасдиқланади.

8. «Инсон» марказлари баҳолаш натижалари ҳамда хотин-қизларнинг розилиги асосида қўйидаги чора-тадбирлардан бирини ёки бир нечтасини амалга оширади:

кундузги қатнов шаклида қисқа ва узоқ муддатли ижтимоий, психологик ва хуқуқий хизматларни кўрсатиш;

туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларининг бирламчи кўмак хоналарига (кейинги ўринларда — бирламчи кўмак хоналари) жойлаштириш;

тазийқ ва зўравонлик ҳолатини ички ишлар органлари томонидан рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳимоя ордерини расмийлаштириш чораларини кўриш учун «102» қисқа рақамига хабар бериш.

9. Хотин-қизлар кундузги қатнов шаклида қисқа ва узоқ муддатли ижтимоий, психологик ҳамда хуқуқий хизматларни танлаган тақдирда, «Инсон» марказлари томонидан ўтказилган сўровнома натижалари ва хотин-қизларнинг танловига мувофиқ қўйидаги хизматлар кўрсатилади:

- а) психологик хизматлар;
- б) шошилинч тиббий ёрдам олишга кўмаклашиш;
- в) қонунчиликка мувофиқ хуқуқий хизматлар;
- г) ҳимоя ордерини олишда кўмаклашиш;
- д) хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг йўқотилган ҳужжатларини қайта тиклашга кўмаклашиш;
- е) «Инсон» марказлари томонидан кўрсатилмайдиган бошқа турдаги давлат хизматларидан фойдаланишга кўмаклашиш;
- ж) касб-хунар ўрганиш истагини билдирган хотин-қизларни ҳудудлардаги мономарказ ва касб-хунарга ўқитиш марказларида касбга ўргатиш учун йўлланма бериш.

Баҳолаш натижаларига кўра «Инсон» марказлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва ижтимоий хизматлар стандартларига мувофиқ бошқа хизматлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

**2-§. Тазийқ ва зўравонлик тўғрисидаги мурожаатларни қабул  
қилиш ва шахснинг ҳолатини баҳолаш**

10. Тазийқ ва зўравонлик, ўз жонига суюқасд қилиш (шу жумладан, ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган ҳолатларда) ҳолатига доир мурожаатлар бевосита жабрланганлар, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, «112» ягона диспетчерлик хизмати ҳамда «1146» қисқа рақамли «ишонч телефони» операторлари, ижтимоий ходимлар ва патронаж ҳамшираларининг «102» қисқа рақамига берган хабари асосида ички ишлар органлари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Бунда рўйхатга олинган мурожаатлар «Инсон» марказларини хабардор қилган ҳолда, дарҳол профилактика инспекторига тақдим этилади.

11. Мурожаат бўйича 24 соат ичидаги қўйидагилар амалга оширилади:  
хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги профилактика инспектори томонидан тазийқ ва зўравонликни содир этган шахс билан сухбат ўтказилади;  
ижтимоий ходим хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳолатини дастлабки тарзда баҳолаш чораларини кўради;

профилактика инспектори хотин-қизларга ҳимоя ордери расмийлаштирилади ҳамда заруратга кўра бирламчи кўмак хоналарига жойлаштириш учун тегишли далолатномани расмийлаштиришга доир чораларни кўради;

ижтимоий ходим ва профилактика инспектори томонидан хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари уларнинг розилиги асосида бирламчи кўмак хонасига жойлаштирилади.

12. Хотин-қизлар бирламчи кўмак хонасига жойлаштирилишга розилик билдирамаган тақдирда, ижтимоий ходим уларга «Инсон» марказлари орқали мазкур Регламентнинг 9-бандида белгиланган хизматлардан фойдаланишни таклиф қиласи.

**3-боб. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган  
фарзандларини бирламчи кўмак хонасига жойлаштириш**

13. Бирламчи кўмак хоналари камидан тўртта ўриндан иборат бўлади ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ жиҳозланади.

14. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари бирламчи кўмак хоналарига уч суткадан кўп бўлмаган муддатга «Инсон» марказларининг йўлланмаси ёки профилактика инспектори томонидан расмийлаштирилган далолатнома асосида жойлаштирилади.

Йўлланмана шакли Агентлик ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, далолатнома шакли эса Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

15. Бирламчи кўмак хонасига олиб келинган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг талабларидан келиб чиқиб, зудлик билан қўйидаги хизматлар кўрсатилади:

шошилинч қабул бўлими шифокори томонидан олиб келинган вақтда жароҳатлар мавжуд бўлганда ёки хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари шикоятига кўра тиббий ёрдам;

хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг руҳий ҳолатини текшириш учун психиатр кўриги.

16. Бирламчи кўмак хоналарига жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари овқат ҳамда шахсий гигиена воситалари билан таъминланади.

17. Бирламчи кўмак хонасига жойлаштирилган хотин-қизлар билан «Инсон» марказларининг ижтимоий ходими сухбат ўтказади ҳамда уларнинг хоҳишига кўра ушбу Регламентнинг 9-банди «а» ва «в — ж» кичик бандларида белгиланган хизматлар кўрсатилади.

18. Ижтимоий ходим хотин-қизлар билан қўшимча сухбат ўтказиш орқали уларнинг худудий марказларнинг чуқурлаштирилган реабилитация хизматларидан фойдаланиш истагини аниқлайди.

Бунда худудий марказларга жойлаштириш учун хотин-қизларга ҳимоя ордери расмийлаштирилган бўлиши лозим.

19. Худудий марказларга жойлаштиришга ёки ҳимоя ордери расмийлаштиришга розилик билдирамган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари «Инсон» марказларининг психологлар гурухи ва хуқуқий масалаларда экспер特 маслаҳатчи хизматларидан фойдаланиши мумкин.

20. Ҳимоя ордери расмийлаштирилган ва худудий марказларнинг чуқурлаштирилган реабилитация хизматларидан фойдаланиш истагини билдирган хотин-қизлар бирламчи кўмак хоналарида мазкур Регламентнинг 21-бандидаги касалликлар мавжудлигини аниқлаш юзасидан тиббий кўрикдан ўтказилади.

21. Қўйидаги касалликлар мавжуд бўлган хотин-қизлар худудий марказларга жойлаштирилмайди:

беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ҳамда хулқий бузилишлар билан кечадиган руҳий касалликлар, хусусан, тез-тез (ҳар ойда 5 мартадан кўп) тутқаноқ содир бўладиган эпилепсия, мунтазам тутқаноқларга, эпилептик мақомга, кун охирига бориб бўшашувчанликка, дисфрияларга мойиллик касалликлари;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;

ўткир юқумли касалликлар;

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари;

таносил касалликлари (ОИВ инфекцияси бундан мустасно).

Мазкур бандда назарда тутилган касалликлар аниқланган хотин-қизлар тегишли даволаш-профилактика муассасаларига юборилганда, «Инсон» марказлари томонидан зарур ҳолларда масофадан туриб хизматлар кўрсатилади ҳамда ушбу муассасалардан чиқарилгандан сўнг ижтимоий ходим уларни розилик асосида худудий марказларга жойлаштириш чораларини кўради. Бунда хотин-қизларга берилган ҳимоя ордерининг муддати тугаган ҳолатларда ҳам улар худудий марказларга жойлаштирилиши мумкин.

Хотин-қизларда мазкур банддаги касалликлар аниқланмаган тақдирда, шошилинч қабул бўлими тиббий хulosса расмийлаштиради ҳамда «Инсон» марказларига тақдим этади.

**4-боб. Ҳудудий марказларга хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини жойлаштириш ҳамда реабилитация хизматларини кўрсатиш**

22. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳудудий марказларга мазкур Регламентга иловага\* мувофиқ схема асосида жойлаштирилади.

23. Хотин-қизлар ҳудудий марказларнинг чуқурлаштирилган реабилитация хизматларидан фойдаланиш истагини билдирган тақдирда, «Инсон» марказлари бир иш куни ичида хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини яшаш жойидаги ҳудудий марказга жойлаштириш учун қўйидагиларни амалга оширади:

ҳудудий марказда бўш ўрин мавжудлигини аниқлайди;

хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-карта, туғилганлик ҳақида гувоҳнома) маълумотларини шакллантиради.

24. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг яшаш жойидаги ҳудудий марказда бўш ўрин мавжуд бўлмаса, ушбу ҳудудга яқин бўлган ёхуд уларнинг хоҳишига кўра бошқа ҳудудий марказ танланади.

Бунда ҳудудий марказларда бўш ўринлар мавжуд бўлмаса ёки хотин-қизларнинг хоҳишига кўра улар нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ташкил этилган реабилитация марказларига ҳам юборилиши мумкин.

25. «Инсон» маркази шу куннинг ўзида ушбу Регламентнинг 21 ва 23-бандларида назарда тутилган ҳужжат ва маълумотларни «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) орқали тегишли ҳудудий марказга юборади.

26. Қўйидаги ҳолатларда хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳудудий марказларга жойлаштирилмайди:

хотин-қизлар томонидан ҳудудий марказларга жойлаштиришга розилик билдирилмаганда ёки ҳимоя ордери олиш рад этилганда;

мазкур Регламентнинг 21-бандида белгиланган касалликлар аниқланганда.

27. «Инсон» маркази зарур маълумот ва ҳужжатлар шакллантирилганидан сўнг хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини ҳудудий марказларга жойлаштириш учун туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлимни)га мурожаат қиласи.

Бунда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) «Инсон» марказининг мурожаати келиб тушган куннинг ўзида хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган болаларини ҳудудий марказларга олиб боради.

28. Ҳудудий марказ «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ушбу Регламентнинг 21 ва 23-бандларида назарда тутилган маълумот ва ҳужжатларни олган куннинг ўзида хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини бошпана (шелтер) билан таъминлайди.

29. Ҳудудий марказлар хотин-қизлар билан улар етиб келган куннинг ўзида ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномасини имзолайди.

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда беш иш куни ичидаги хотин-қизларнинг ҳолати ҳудудий марказнинг ижтимоий ходими, ҳуқуқшунос ва психологдан иборат мультидисциплинар гурӯҳ томонидан сўровнома орқали комплекс баҳолаш ўтказилади ҳамда баҳолаш натижалари бўйича якка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастури ишлаб чиқилади.

Сўровнома шакли ва уни ўтказиш тартиби Агентлик томонидан тасдиқланади.

30. Ҳудудий марказлар томонидан хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига якка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастурига мувофиқ қўйидаги хизматлар кўрсатилади:

хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига тиббий, психолого-ик, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

вояга етмаган фарзандларини энг яқин ҳудуддаги мактабгача ёки ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштиришни ташкил этиш;

хотин-қизларга ёрдам кўрсатишда мутахассис зарур бўлган ҳолларда суицидолог, психотерапевт, болалар психологи, тиббий рухшунослар ва бошқа мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, уларга ҳудудлардаги мономарказ ва касб-хунарга ўқитиш марказларида касбга ўргатишга йўлланма бериш;

хотин-қизларни касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш даврида уларнинг вояга етмаган фарзандларига тарбиячи бириклириши;

маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш.

Хотин-қизларнинг вояга етмаган фарзандлари мактабгача ёки ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштирилганда, уларни таълим муассасасига олиб бориш ва олиб келиш ҳудудий марказ томонидан таъминланади.

Ҳудудий марказлар томонидан хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ижтимоий хизматлар стандартларига мувофиқ бошқа ижтимоий хизматлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

31. Ҳудудий марказлар хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига якка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастурида назарда тутилган ижтимоий хизматлар кўрсатилиши, шунингдек, бошқа чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларни «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритиб боради.

## **5-боб. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини ҳудудий марказлардан чиқариш тартиби**

32. Қўйидагилар хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини ҳудудий марказлардан чиқаришга асос бўлади:

шартномада белгиланган ҳудудий марказларда бўлиш муддатининг тугаши;

кўрсатилган ижтимоий хизматлар натижасида хотин-қизларда ўз жонига қасд қилишга мойиллик хавфининг бартараф этилганлиги (тиббий рухшунос ёхуд суицидологнинг хулосасига мувофиқ);

хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг соғлиғи ёмон-

лашиши, шунингдек, руҳий ҳолатининг бузилиши натижасида даволаш-профилактика муассасасига стационар даволаниш учун жойлаштирилиши;

хотин-қизларнинг ҳудудий марказлардан чиқариш хақидаги аризаси;

ҳудудий марказларнинг ички тартиб-қоидаларини ва шартнома шартларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузиш;

хотин-қизларнинг вафот этиши.

Соғлигининг ёмонлашиши, шунингдек, руҳий ҳолатининг бузилиши натижасида даволаш-профилактика муассасасига стационар даволаниш учун жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари ушбу муассасаларда даволаниб чиққанларидан сўнг ҳудудий марказларга қайта жойлаштирилади.

Бунда хотин-қизлар даволаш муассасасига жойлаштирилганда, уларнинг ҳудудий марказлардаги жойи сақлаб турилади.

33. Мазкур Регламентнинг 32-бандида келтирилган асослардан бири мавжуд бўлганда, хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари тегишли «Инсон» марказини ахборот тизими орқали хабардор қилган ҳолда чиқарилади.

34. Бошқа ҳудудда жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг йўл харажатлари (поезд, автобус) ҳудудий марказлар маблағлари хисобидан қопланади.

## **6-боб. «Инсон» марказлари ва ҳудудий марказлар хизматларидан фойдаланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг мониторинги**

35. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ижтимоий-лашув ҳолати мониторинги:

бирламчи қўмак хоналари хизматидан фойдаланган, бироқ ҳудудий марказларга жойлаштирилмаган хотин-қизларга нисбатан улар ишонч билдирган «Инсон» маркази ходими томонидан;

ҳудудий марказдан чиқарилган хотин-қизларга нисбатан улар ишонч билдирган ҳудудий марказ ходими томонидан олти ой давомида масофадан туриб алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Бунда хотин-қизларнинг илтимосига кўра мониторинг «Инсон» маркази ижтимоий ходими томонидан жойига чиққан ҳолда сухбат ўtkазиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Жойига чиққан ҳолда мониторинг жараёнига хотин-қизларнинг розилиги асосида хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори ҳамда бошқа зарур мутахассислар жалб этилиши мумкин.

36. Мониторинг даврида ўз оиласига қайтган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатининг мавжудлиги ўрганилади.

37. Мониторинг натижалари бўйича маълумотлар «Инсон» марказлари ва ҳудудий марказлар ходимлари томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТга киритиб борилади.

38. «Инсон» марказининг ижтимоий ходими, профилактика инспектори

ва хотин-қизлар фаоли ўз ваколатлари доирасида қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **7-боб. Якунловчи қоидалар**

39. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг сифати учун ҳудудий марказлар директорлари шахсан жавоб беради.

40. «Инсон» марказлари ва ҳудудий марказлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган шахсга доир маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

41. «Инсон» марказлари, ҳудудий марказлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ушбу Регламент талабларига риоя этилиши устидан назоратни Агентлик хузуридаги Ижтимоий инспекция амалга оширади.

42. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари «Инсон» марказлари хамда ҳудудий марказлар ходимларининг хатти-харакатлари устидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

43. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Мажкамасининг  
2024 йил 25 июндаги 354-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Туман (шахар) марказий шифохоналарининг шошилинч  
қабул бўлимларида бирламчи кўмак хоналарини ташкил  
этиш ва жиҳозлаш бўйича минимал  
ТАЛАБЛAR**

1. Бирламчи кўмак хоналари камида 4 та ўрин учун мўлжалланган бўлиши, хар бир шахс учун ажратиладиган майдон санитария қоидалари нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган меъёрлардан кам бўлмаслиги лозим.
2. Хоналар ўринлар сонига мос равишда каравотлар, овқатланиш учун стол ва стуллар, тумбалар, шкаф, музлаткич ва телевизор билан жиҳозланиши керак.
3. Хоналар етарли даражада ёруғлик билан таъминланиши, ҳаво айланниш, иситиш ва совитиш тизимлари мунтазам соз ҳолатда сақланиши лозим.
4. Деразалар темир панжаралар билан химояланган бўлиши, эшикка қулф ўрнатилиши, навбатчи ҳамширани зарур ҳолатларда тезкор чақириш кўнғироғи бўлиши, шунингдек, хонага кириш эшиклари ташқарисига кузатув камералари ўрнатилиши лозим.
5. Бирламчи кўмак хоналарида ювениш хоналари ва хожатхона бўлиши, хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари зарур гигиена воситалари (атир совун, шампунь, тиш пастаси, тиш чўткаси, ҳожатхона қофози, аёллар шахсий гигиена воситаси, болалар учун тагликлар, сочиқлар тўплами) билан таъминланиши зарур.
6. Хотин-қизларнинг вояга етмаган фарзандлари учун елим ўйинчоқлар тўплами бўлиши керак.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ  
ҚАРОРИ**

**214** **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ва унинг тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларининг бино ва иншоотларидан самарали фойдаланиш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Жазони ижро этиш муассасаларининг алоҳида хусусиятини инобатга олган ҳолда, уларнинг мулки, бино ва иншоотларидан самарали фойдаланиш, инсон омилини истисно этадиган замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг майший шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Кўйидагиларни назарда тутивчи:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ва унинг тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларининг мулки, бино ва иншоотларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

жазони ижро этиш муассасаларига тегишли давлат мулкини ижарага бериш шартлари;

жазони ижро этиш муассасаларига тегишли давлат мулкини ижарага бериш бўйича электрон танлов натижаларини расмийлаштириш ва ижара шартномасини тузиш;

жазони ижро этиш муассасаларининг ижара муносабатларидаги иштироки ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ижара тўловларининг ҳисоб-китоб тартиби;

ижара берилётган мулкларни ҳисобга олиш, ҳисботини юритиш ва назорат қилиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларига Face-ID идентификация тизими мавжуд бўлган инфокиоскларни ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

жазони ижро этиш муассасаларида инфокиоскларни ўрнатиш бўйича танловни ташкил этиш ва ўтказиш;

жазони ижро этиш муассасаларида инфокиоскларни ўрнатиш бўйича танлов мезонлари ва ғолибни аниқлаш тартиби;

жазони ижро этиш муассасаларида инфокиоскларни ўрнатиш бўйича танловнинг ғолиби билан инвестиция мажбуриятларини ўз ичига олувчи шартномани расмийлаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда инвестиция киритиш орқали жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар, шу жумладан, уларнинг қариндошлари томонидан қонун билан тақиқланмаган

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 29 июняда эълон қилинган.

буюмларни эркин бозор механизмларига асосланган электрон дўконлар орқали сотиб олиш имкониятини яратиш учун Face-ID идентификация тизими мавжуд бўлган инфокиоскларни жазони ижро этиш муассасаларига ўрнатиш истагини билдирган инвесторларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлаш чораларини кўрсин.

3. Белгилансинки:

а) «E-auksion» электрон савдо платформасига талабгорлар тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар реал вақт режимида тақдим этиб борилади:

талабгорнинг солиқ органларидан қарздорлиги бўйича маълумотлар — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг ахборот тизимидан;

талабгорнинг ижро ишлари бўйича қарздорлиги ҳақидаги маълумотлар — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ахборот тизимидан;

талабгорнинг тугатиш жараёнида эканлиги ёки банкрот деб топилганлиги ҳақидаги маълумотлар — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ахборот тизимидан;

талабгорга қўйилган талаблар (раҳбарлари, таъсисчилари жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноят содир этганлиги учун судланганлиги) бўйича маълумотлар — «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали берилган сўровга асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ҳукуқий статистика ва тезкор-хисоб маълумотлар маркази томонидан;

б) жазони ижро этиш муассасаларининг мулкини, бино ва иншоотларини ижарага беришдан тушадиган маблағларнинг мазкур ташкилотларга тақсимланган қисми жазони ижро этиш муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда жорий таъмирлаш, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг майший шароитларини яхшилашга йўналтирилади;

в) қонунчиликка мувофиқ жазони ижро этиш муассасалари ҳудудида сотиладиган товарларнинг энг юқори чегараланган нархи ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгиланади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва ички ишлар вазири П.Р. Бобоҷонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 27 июнь,  
358-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 27 июндаги 358-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги  
Жазони ижро этиш департаменти ва унинг тизимидағи жазони  
ижро этиш муассасаларининг мулки, бино ва иншоотларини  
ижарага бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти (кейинги ўринларда — Жазони ижро этиш департаменти) ва унинг тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларининг алоҳида хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг мулкини, бино ва иншоотларини юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларига электрон танлов асосида ижарага бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**«E-auksion» электрон савдо платформаси** (кейинги ўринларда — савдо платформаси) — электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун зарур ахборотни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, танловда иштирок этиш истаги бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай аукцион ва танловлар жараёнига кириш ҳамда уларда қатнашиш имконини таъминлайдиган ахборот тизими;

**«online-ijara.uz» ахборот тизими** — ижарага берувчининг балансда сақловчиidan ёки ижарага олувчиidan аризаларни қабул қилиш, балансда сақловчи ва ижарага олувчиларга ахборот юбориш, ижара шартномаларига келишувларни расмийлаштириш, ижара шартномаларини рўйхатга олиш имконини берадиган ахборот тизими;

**балансда сақловчи** — Жазони ижро этиш департаменти ва унинг тизимидағи жазони ижро этиш муассасалари;

**ижарага берувчи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиш марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари;

**ижарага олувчи** — ушбу Низомда белгиланган тартиб ва шартларда обьект (унинг бир қисми)ни ижара шартномаси асосида фойдаланишга олувчи юридик шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти);

**объект** — Жазони ижро этиш департаменти ва унинг тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларига тегишли давлат мулки;

**оператор** — савдо платформасида аукцион ва танловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ваколати берилган «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш» акциядорлик жамияти;

**талабгор** — балансда сақловчи томонидан белгиланган мақсадларда ва таклиф этилган шартларда фойдаланиш учун талабгорларни танлаш бўйича

танловда иштирок этиш ниятини билдирган, танловга қадар камидар бир йил давомида фаолият юритиб келаётган юридик шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти);

**хабарнома** — савдо платформасида объект бўйича танлов ўтказилиши хақидаги ахборот;

**шахсий кабинет** — балансда сақловчига, ижарага берувчига ҳамда ижарага олувчига объектнинг ижарага берилишини, ижара шартномаси расмийлаштирилишини ҳамда балансда сақловчи ва ижарага олувчининг ижарага берувчи билан ўзаро ахборот алмашиш имконини берувчи «online-i-jara.uz» ахборот тизимининг маҳсус бўлими;

**электрон танлов** (кейинги ўринларда — танлов) — савдо платформаси орқали танлов обьекти бўйича танлов ҳужжатларининг мезони ва шартла-рига мувофиқ талабгорлар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаш орқали ижарага олувчини аниқлаш шакли.

3. Объектлар қонун билан тақиқланмаган фаолиятни юритиш учун ижа-рага олувчиларга танлов асосида ижарага берилади.

Танловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг мазкур Низом талабларига зид келмайдиган қисми Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган «E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.

Объектларни ижарага бериш балансда сақловчининг ишлаб чиқариш ва/ёки молиявий кўрсаткичлари ёмонлашишига олиб келадиган бўлса, шунингдек, Жазони ижро этиш департаменти тизимидағи жазони ижро этиш муас-сасаларининг алоҳида хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда ишлаб чиқариш корхоналарини ижарага бериш мумкин эмас.

4. Танлов қонунийлик, очиқлик, шаффофлик, холислик, иштирокчиларга тенг шароитлар яратиш тамойилларига мувофиқ ўтказилади.

## 2-боб. Объектни ижарага бериш шартлари

5. Объект ижарага бериш учун танловга чиқарилганда, ижара бериш муддати бир йил этиб белгиланади.

Бунда ушбу муддат балансда сақловчининг асослантирилган мурожаати асосида камайтирилиши мумкин.

Ижарага олувчи томонидан ижара шартномаси шартлари ўз вактида ва тўлиқ бажарилганда, ижара муддати келгуси даврга узайтирилади.

Объектни бир ижара шартномаси доирасида ижарага беришнинг энг кўп муддати уч йилни ташкил этади.

Ушбу бандда назарда тутилган энг кўп муддатлар тугагач, объект умумий асосларда ижарага берилади.

6. Ижарага берувчи томонидан ижара шартномаси муддати тугашидан бир ой олдин ижара шартномаси шартлари ўз вактида ва тўлиқ бажарилмаган тақдирда, ижарага олувчига ижара шартномасининг муддати келгуси давр учун узайтирилмаслиги тўғрисида огохлантириш хати юборилади.

7. Агар ижара шартномасининг муддати тугаганидан кейин ҳам ижара-

га олувчи мулкдан фойдаланишни давом эттиrsa ва ижарага берувчи бунга эътиroz билдиrmаган бўлса, шартнома аввалги шартлар асосида қайтадан тузилган ҳисобланади.

Ижарага олувчи томонидан ижара шартномаси шартлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилганда, ижарага олувчи шартнома муддатини узайтирмаслик тўғрисида мурожаат қилмаган бўлса, ижара муддати навбатдаги муддатга узайтирилган ҳисобланади.

8. Ижарага олувчи ижара мулки ижаранинг бутун муддати давомида ундан мақсадли фойдаланилиши, унинг яхлитлиги ва бут сақланиши бўйича мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. Ижарага олувчи ижара берилган объект (унинг бир қисми)ни ўзга шахсларга субижара (фойдаланиш)га бериши, гаровга қўйиши ёки бошқача тарзда (вақтинча) учинчи шахсга ўтказиши тақиқланади. Бу каби ҳолатлар аниқланганда, ижара шартномаси ижарага берувчи томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади.

10. Ижарага олувчи ижара шартномаси шартларини лозим даражада бажармаган тақдирда, ижара шартномаси ижарага берувчи томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади.

11. Ижара шартномасини бекор қилиш, ўзгартириш ва муддатини узайтириш томонларнинг келишувига асосан ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Балансда сақловчи объектни ижарага бериш мақсадида ижарага берувчига қўйидагиларни кўрсатган ҳолда, «online-ijsara.uz» ахборот тизими орқали ўзининг шахсий кабинетидан электрон ариза тақдим этади:

объектнинг номи, тавсифи, жойлашган ери (поrта манзили);

объектнинг ижарага бериладиган майдони;

объектнинг коммуникациялар (сув, газ, электр энергияси, канализация тармоғи) билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот;

балансда сақловчининг объектга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ва объектнинг ижарага бериладиган майдонини кўрсатган ҳолда кадастр ҳужжати нусхаси;

объектнинг камидаги 4 та фотосурати;

объектдан фойдаланиш мақсади (амалга ошириладиган фаолият тури);

ижара олувчига қўйиладиган талаблар (мажбуриятлар);

балансда сақловчининг асосланган сўровига кўра бошқа маълумотлар.

13. Ижарага берувчи таклифни уч иш кунида кўриб чиқиб, объектни ижарага бериш юзасидан операторга электрон буюртма юборади.

14. Балансда сақловчининг аризасида ушбу Низомнинг 12-бандидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган бўлса, ижарага берувчи аризани икки кун муддатда маълумотларни тўлиқ кўрсатган ҳолда тақдим этиш учун балансда сақловчига қайтаради.

Балансда сақловчи томонидан камчиликлар бартараф этилгандан кейин берилган ариза ижарага берувчи томонидан умумий тартибда кўриб чиқилади.

15. Объектни танловга чиқаришда ижара ҳақининг бошланғич нархи балансда сақловчи томонидан аризада кўрсатилган фаолият тури ва ижарага

бериладиган майдондан келиб чиқкан ҳолда хисобланган объект (бино ва ишоотлар)дан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам миқдорида белгиланади.

16. Объект (бино ва ишоотлар)дан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам миқдори қўйидагича хисоблаб чиқилади:

$$Tc = Es * Kz * (Kk + Kx + Ko)$$

Бунда:

$Tc$  — объектдан фойдаланганлик учун бир йилга бир кв.метр учун ижара тўловининг энг кам миқдори;

$Es$  — давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун бир йилга бир кв. метр учун ижара тўловининг энг кам ставкаси;

$Kz$  — худудий зоналар коэффициенти;

$Kk$  — қурилиш тури бўйича коэффициент;

$Kx$  — туташиб кетган худуддан фойдаланиш коэффициенти;

$Ko$  — тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишида жойлашиш ва бошқалар).

Қурилиш тури бўйича коэффициент ( $Kk$ ), туташиб кетган худуддан фойдаланиш коэффициенти ( $Kx$ ) ва тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти ( $Ko$ )нинг йифиндиси 1 бирликдан кам бўлган тақдирда, яхлитланган ҳолда 1 бирликка тенг хисобланади.

17. Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли коэффициентлар белгиланган ҳолда ҳар юли тасдиқланади.

Объектларни ижарага беришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашиши тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармонида белгиланган тартибда тақсимланади.

18. Хабарнома танлов бошланишидан камида ўттиз кун аввал савдо платформасида эълон қилинади.

Хабарномада қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

танлов шакли, ўтказиладиган санаси, танлов натижаларини эълон қилиш вақти;

лот рақами, ижарага берилаётган объектнинг номи, тавсифи, балансда сақловчининг номи;

танловда қатнашиш учун ариза қабул қилишни якунлаш санаси ва вақти; ижара муддати;

таклифларни ва уларга илова қилинаётган ҳужжатларни тақдим қилиш тартиби;

ижара суммаси ва закалат пулининг миқдори;

танлов объектини олдиндан кўриш (кўздан кечириш) тартиби;

объектнинг жойлашган ери, фотосурати ва геолокацияси (мавжуд бўлса); буюртмачининг жойлашган ери (почта манзили), боғланиш учун телефон рақами, электрон почта манзили;

Жазони ижро этиш департаменти тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларининг алоҳида хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, ижарага берилаётган объектдан фойдаланиш тартиби ва шартлари, балансда сақловчи томонидан ижарага олувчига қўйилган мажбуриятлар.

19. Талабгорга қўйидаги ҳолларда танловда иштирок этиши автоматик тарзда рад этилади:

закалат пули белгиланган миқдорда тўланмаганда;

талабгор жисмоний шахс бўлганда;

талабгорнинг раҳбари ва таъсисчи(лар) жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноят содир этганлиги учун судланган шахс эканлиги аниқланганда;

талабгор тугатиш жараёнида эканлиги ёки банкрот деб топилганлиги аниқланганда;

солиқ ёки мажбурий ижро органларидан қарздорлиги аниқланганда.

Талабгорларнинг интеграциялашган ахборот тизимлари орқали олинадиган маълумотлари ўз вақтида келмаслиги (умуман келмаслиги) ёки мавжуд эмаслиги оқибатида юзага келадиган низоларга оператор жавобгар бўлмайди.

20. Объектни ижарага олишда таклиф этилаётган нарх талабгор томонидан ихтиёрий равишида белгиланади.

Бунда талабгор томонидан таклиф этилаётган нарх белгиланган бошлиғич нархдан кам бўлмаслиги ҳамда нарх таклифининг 25 фоизи миқдорида закалат пули тўланган бўлиши лозим.

21. Объект танловда энг юқори нарх таклифини билдирган талабгорга ижарага берилади.

### **3-боб. Танлов натижаларини расмийлаштириш ва ижара шартномасини тузиш**

22. Танлов якунлангандан сўнг бир иш куни ичида оператор томонидан танлов натижалари тўғрисида электрон баённома расмийлаштирилади.

23. Ижарага берувчи билан ижарага олувчи ўртасида қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган танлов натижаси бўйича расмийлаштирилган баённома асосида тузилган ижара шартномаси электрон шаклда савдо платформасида икки томонлама расмийлаштирилади. Бунда:

ижара шартномасида ижарага олувчининг танлов савдоларида иштирок этиши учун киритган маълумотлари (юридик шахс номи, жойлашган ери (почта манзили), СТИР, ҳисобварақлари, электрон почта манзили ва телефон рақамлари) автоматик тарзда кўрсатилади;

танлов савдоларида қатнашиш учун киритилган маълумотларнинг аниқ ва ҳаққонийлиги учун жавобгарлик ижарага олувчи зиммасига юкландади.

24. Ижара шартномаси танлов натижаси бўйича баённома расмийлаштирилгандан кейин ўн иш кунидан кечиктирмай, ижарага берувчи ва ижарага

олувчи томонидан имзоланиши ҳамда белгиланган тартибда «online-iжара.uz» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Ижара шартномаси ижарага берувчи томонидан «online-iжара.uz» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ижара шартномаси ҳақиқий эмас ҳисобланади ва ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

25. Ижара шартномасида кўйидагилар кўрсатилади:

ижараға берилаётган объектнинг номи, жойлашган ери, тури, таркиби; ижара муддати;

ижара тўлови миқдори, уни тўлаш тартиби ва муддатлари;

ижара тўлови миқдорини қайта кўриб чиқиш асослари ва тартиби;

ижараға берилаётган объектнинг ҳолати ва уни ижарага олевчига топшириш муддати;

коммунал хизматлар, электр энергияси, сув, газ истеъмоли ва иссиқлик таъминотидан фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириш шартлари;

шартнома муддати тугаган ёки муддатидан аввал бекор қилинганда, ижарага олевчига олинган объектни балансда сақловчига соз, бут ва фойдаланишга яроқли ҳолатда тезкор қайтариш шартлари;

ижараға берилаётган объектни тиклаш ва таъмирлаш тартиби ҳамда шартлари;

ижара шартномаси шартлари, шу жумладан, ижара тўловларини тўлаш муддатларининг бузилиш оқибатлари;

томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва бошқа жавобгарликлари; объектнинг ҳар қандай яхшиланиши балансда сақловчининг ёзма розилиги билан амалга оширилиши;

ижараға олевчига юклangan мажбуриятларни назорат қилиш тартиби; қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа шартлар.

26. Балансда сақловчи томонидан ижара шартномасининг амал қилиш муддати даврида ижарага олевчига ижара объектидан фойдаланишига ва унда фаолият кўрсатишига тўскинлик қилиш тақиқланади (форс-мажор ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

27. Кўчмас мулк бир йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилганда, ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

28. Автомототранспорт воситалари савдо платформаси воситасида танлов орқали ижарага берилганда, ижара шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш талаб этилмайди.

#### **4-боб. Балансда сақловчининг ижара муносабатларидағи иштироки ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

29. Ижарага берувчи ижара шартномасида (ижара шартномаси тарафи бўлмаса-да) балансда сақловчининг қонуний манфаатларига зарар етмаслиги учун ўзи орқали амалга оширадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди. Бунда ижарага берувчи ўзининг шартномавий ҳуқуқларидан балансда сақловчи фойдасига воз кечмайди ва мажбуриятларини бажаришни зиммасидан соқит қилмайди.

30. Балансда сақловчи ижарага берилган мулкка нисбатан ижарага берувчининг хабардорлигида ўзига берилган шартномавий ҳуқуқларини амалга оширади ҳамда мажбуриятларни бажаради.

31. Томонлар шартномада белгиланган мажбуриятларини бажарилмагани оқибатида шартноманинг бошқа томонларига етказган зарарни ихтиёрийлик асосида қоплади. Ўзаро келишувга эришилмаганды, зарар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда суд орқали қопланади.

32. Балансда сақловчи ижарага берилган объектни ижарага олувчига ижарага берувчи иштирокида шартнома имзолангандан сўнг кўпи билан беш иш куни ичидаги расмийлаштириб топширишни ва ҳеч қандай тарзда тўсқинликсиз ундан фойдаланишини таъминлайди.

33. Объект ижарага олувчига муддатида топширилмаганлиги оқибатида ижарага олувчига етказилган зарар балансда сақловчи ҳисобидан қопланади.

### **5-боб. Ижара тўловларининг ҳисоб-китоб тартиби**

34. Ижара тўлови бўйича ҳисоб-китоблар қўйидагиларни ўз ичига олади:  
ижара тўлови;  
ижара тўлови муддати бузилганлиги учун ҳисобланган пеня ва жарима.

35. Ижара тўлови ижарага олувчи томонидан ижара тўловининг охирги белгиланган миқдори ва ижаранинг қолган муддатидан келиб чиқсан ҳолда, ҳисобланган ойлар бўйича тенг миқдордаги тўловлар билан ҳисобланади.

Ижара тўлови ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда навбатдаги ой учун 100 фоиз олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилади.

Ижара шартномаси бўйича биринчи тўлов шартнома ижарага берувчидан белгиланган тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн иш куни ичидаги кейинги тўлов ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан тўланади.

36. Ижарага олувчи ижара тўловини муддатида ва белгиланган миқдорда тўламаганлиги учун ижарага берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

37. Ижарага олувчининг ижарага берилган объектни балансда сақловчигининг (юқори турувчи ташкилоти ва ижарага берувчи хабардорлигида берган) ёзма розилиги асосида амалга оширган тиклаш ёки мукаммал таъмирлаш сарф-харажатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси хулоса тақдим этган тақдирда, ижара тўлови маблағларидан балансда сақловчига тақсимланган маблағлар ҳисобидан камайтириш орқали қопланади.

38. Ижарага олувчининг ижарага берилган объектни тиклаш ёки мукаммал таъмирлаш учун сарф-харажатлари ижара муддати давомида тўлиқ қопланмаган тақдирда (ижара шартномасининг муддатидан олдин бекор қи-

линган ҳоллар бундан мустасно), сарф-харажатларнинг қопланмаган қисми балансда сақловчи томонидан бошқа маблағлари ҳисобидан қопланади.

39. Объектни (унинг қисмини) белгиланган тартибда ижара шартномаси тузмасдан ёки ижара шартномасига киритмасдан ижарага бериш, шартномада ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сонини камайтириб кўрсатиш аниқланганда, ижарага берувчи қонун бузилиши ҳолати аниқланган санадан бошлаб, уч иш куни мобайнода белгиланган тартибда объектдан фойдаланганлик даври учун ижара тўловининг икки баравари миқдорида ҳисобланган суммани тўлаш талаби билан тасдиқловчи ҳужжатларни балансда сақловчига тақдим этади. Ҳисобланган сумманинг ўн иш куни ичидаги ихтиёрий тўланмаганлиги суд тартибда ундирилишига асос бўлади.

Бунда объектдан фойдаланганлик даври қўйидагича белгиланади:

объект белгиланган тартибда ижара шартномаси тузмасдан фойдаланишга берилганда, жорий йил 1 январь санасидан ҳолат аниқланган санага қадар;

ижараага берувчи иштирокида аввал тузилган ижара шартномаси муддати тугаганидан сўнг объект белгиланган тартибда ижара шартномаси тузилмасдан фойдаланишга берилганда, аввалги ижара шартномаси муддати тугаган санадан ҳолат аниқланган санага қадар;

объект ижара шартномасига тўлиқ киритилмасдан ижарага берилганда, шунингдек, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони камайтириб кўрсатилганда, ижара шартномаси тузилган санадан ҳолат аниқланган санага қадар.

Бунда ҳисобланган давр учун тўлов ўша йилга белгиланган ижара тўловининг энг кам миқдорига мутаносиб ҳисобланади.

40. Амал қилиш муддати навбатдаги йилга ўтадиган объектни ижарага бериш шартномаси бўйича бўлажак йил даври учун ижара тўловининг миқдори қўшимча шартнома (келишув) билан келгуси йилга тасдиқланган ижара тўловининг энг кам миқдорларига мутаносиб тарзда ўзгартирилиб, қўйидаги тартибда ҳисобланади:

$$Их2 = Тн * (Тс2 / Тс1)$$

Бунда:

Их2 — келгуси йил учун ижара тўлови миқдори;

Тс2 — келгуси йилга объектдан фойдаланганлик учун бир йилга бир кв. метр учун ижара тўловининг энг кам миқдори;

Тс1 — танлов ўтказилган йилда объектдан фойдаланганлик учун бир йилга бир кв.метр учун ижара тўловининг энг кам миқдори;

Тн — танлов натижалари бўйича белгиланган йиллик ижара тўлови.

41. Балансда сақловчининг бошқа турдаги мулклари (асосий воситалар, кўчар мулклар, автотранспорт воситалари ва бошқалар) бўйича келгуси йил учун ижара тўлови миқдори қўйидаги тартибда ҳисоблаб чиқилади:

$$Их2 = Тн * (Тк2 / Тк1)$$

Бунда:

Иҳ2 — келгуси йил учун ижара тўлови миқдори;  
 Тн — танлов натижалари бўйича белгиланган йиллик ижара тўлови;  
 Тқ2 — келгуси йилга объектдан фойдаланганлик учун бир йиллик ижара тўловининг энг кам миқдори;

Тқ1 — танлов ўтказилган йилда объектдан фойдаланганлик учун бир йиллик ижара тўловининг энг кам миқдори.

42. Келгуси йил учун ҳисобланган ижара тўлови миқдори танлов натижаси бўйича белгиланган ижара тўлови миқдоридан кам бўлган тақдирда, келгуси йил учун ижара тўлови миқдори танлов савдоси натижаси бўйича белгиланган ижара тўлови миқдорида белгиланади.

Жорий йил учун ижара тўлови миқдори ушбу йилга белгиланган объектдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

## **6-боб. Объектни ижарага бериш ва қайтариб олиш**

43. Ижара шартномасига мувофиқ балансда сақловчи ижарага берувчи орқали объектни (барча буюмлар ва тааллуқли бўлган техник хужжатлари билан бирга) шартнома шартларига мувофиқ ижарага олувчига белгиланган муддат ва тартибда топшириши, ижарага олувчи эса ижара муддати тугаган ёки ижара шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган ёхуд суд қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганда, балансда сақловчига беш кун ичida шартнома тузилган санадаги ҳолатда қайтариб топшириши шарт.

44. Ижарага берувчи объектни белгиланган муддатда қайтариб топширмагани оқибатида кўрилган моддий зарарни ижарага олувчидан суд тартибида ундиришига ҳақли.

45. Объектни топшириш-қабул қилиш ва қайтариш-қабул қилиш ижарага берувчи, ижарага олувчи ва балансда сақловчиларнинг ваколатли вакиллари иштирокида «online-ijara.uz» ахборот тизими орқали уч томонлама тузилган далолатнома асосида амалга оширилади.

Далолатномада қўйидагилар кўрсатилади:

далолатнома тузилган жой ва сана;

ижара шартномасининг реквизитлари (тузилган санаси, тартиб рақами);  
 ижара мулкининг техник ҳолати.

Топшириш-қабул қилиш ва қайтариш-қабул қилиш далолатномалари томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади (шу жумладан, электрон рақамли имзо орқали).

46. Ижарага олинган объектда камчиликлар аниқланган тақдирда (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари), мулкни қабул қилиб олувчи томонлар бошқа томон объектни шартномада белгиланган муддатларда ижара шартномаси шартларига мувофиқ ҳолатга келтиргунгача ёки етказилган зарарни қоплагунгача уни қабул қилиб олишни ва объектни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолашни рад этишга ҳақлидир.

Бунда объект топширилгунга қадар топширишни кечиктирган тараф шартнома шартларида ижара тўловини тўлайди.

**7-боб. Ижарага берилаётган мулкларни ҳисобга олиш,  
ҳисоботини юритиш ва уни назорат қилиш**

47. Ижарага берилаётган мулкларни ҳисобга олиш ва маълумотлар базасини юритиш ижарага берувчи томонидан «online-ijsaga.uz» ахборот тизими орқали амалга оширилади.

48. Ижарага берувчи ижара шартномаси амал қиладиган муддат мобайнида ижарага оловчи томонидан ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиб боради.

Ушбу мақсадда ижарага берувчи қўйидагиларга ҳақли:

ижара оловчидан ижара шартномасида назарда тутилган ахборотларни сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, мулкнинг физик ҳолатини ижарага оловчининг хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда кўздан кечириш;

ижара олинган мулкдан фойдаланиш шартларини, ижарага оловчи томонидан учинчи шахслар ҳуқуқларига риоя қилинишини ўрганиш (сервитут, гаров ва шу кабилар);

ижара оловчининг ижарага олинган объектни яхшилаш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқиши;

қонунчилик ҳужжатларида ва ижара шартномасида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларидан ҳам фойдаланиш.

49. Балансда сақловчи ижара шартномаси амал қиладиган муддат мобайнида ижарага оловчи томонидан қўйидаги мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиб боради:

объектдан баённомада белгиланган фаолият бўйича фойдаланишини;

ижара оловчининг ходимлари Жазони ижро этиш департаменти тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига риоя этишини;

умумий овқатланиш ва савдо жойларида қонунда белгиланган товарлар нархининг белгиланган нархдан юқори эмаслигини;

ижара оловчи объектни соз ва бут ҳолатда сақлаши, балансда сақловчининг рухсатисиз объектнинг ташқи кўринишига ўзгартириш киритмаслигини;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя этилишини;

қонунчиликда ва ижара шартномасида белгиланган бошқа мажбуриятлар бажарилишини.

Ушбу мақсадда балансда сақловчи қўйидагиларга ҳақли:

ижара оловчидан ижара шартномасида назарда тутилган бандлар юзасидан ахборотларни сўраш ва олиш;

Жазони ижро этиш департаменти тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари бузилиши ҳолатлари бўйича ижарага оловчининг ходимларидан тушунтириш олиш;

қонунчилик ҳужжатларида ва ижара шартномасида белгиланган бошқа ҳуқуқларидан ҳам фойдаланиш.

50. Ижарага берувчи томонидан ижарага олувчини огоҳлантирган ҳолда, балансда сақловчининг мурожаатига кўра ва/ёки ўз ташаббусига асосан қўйидаги ҳолларда ижара шартномаси бекор қилиниши мумкин:

ижарага олувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;  
объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари балансда сақловчи билан келишилмаган ҳолда бажарилганда;

умумий овқатланиш жойлари ва савдо дўконларидағи нархлар асосиз равишда ошириб юборилганда;

ижара олувчининг ходимлари томонидан Жазони ижро этиш департamenti тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари бузилганда ёки маҳсус контингент билан ноқонуний муносабатга киришилганлиги аниқланганда;

ижарага олувчининг хатти-ҳаракати объектнинг яроқсиз ҳолга ёки унинг бузилишига олиб келган ҳолатлар аниқланганда;

қонунчиликда ва ижара шартномасида белгиланган бошқа ҳолатларда.

### **8-боб. Якунловчи қоида**

51. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 27 июнданги 358-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги  
Жазони ижро этиш департаменти тизимидағи жазони ижро  
этиш муассасаларига Face-ID идентификация тизими мавжуд  
бўлган инфокиоскларни ўрнатиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти (кейинги ўринларда — Жазони ижро этиш департаменти) тизимидағи жазони ижро этиш муассасаларига Face-ID идентификация тизими мавжуд бўлган инфокиоскларни ўрнатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Face-ID идентификация тизими** — маҳсус контингентнинг юз қиёфасидан унинг шахсини идентификация қилиш имконини берадиган тизим;

**жазони ижро этиш муассасалари** — Жазони ижро этиш департаменти тизимидағи жазони ижро этиш муассасалари, шу жумладан, маҳкумлар учун ихтисослаштирилган касалхона, тарбия колонияси, манзил-колониялари ҳамда тергов ҳибсоналалари;

**инвестиция мажбуриятлари** — жазони ижро этиш муассасаларida маҳсус контингент, шу жумладан, уларнинг қариндошлари томонидан қонун билан тақиқланмаган буюмларни эркин бозор механизмларига асосланган электрон платформа орқали онлайн харид қилиш имкониятини яратиш учун инфокиоскларни жазони ижро этиш муассасаларга ўрнатиш ва уларга топшириш бўйича шартнома шартлари асосида инвестициялар киритишига доир мажбуриятлар;

**инфокиоск** — маҳсус контингентга биометрик маълумотлари асосида Face-ID идентификация тизими орқали инсон омилисиз қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган буюмларни электрон дўкон орқали сотиб олиш имконини берувчи электрон қурилма;

**маҳсус контингент** — эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олиниб, тергов ҳибсоналарида сақланаётган ва озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларida жазо муддатини ўтаётган шахслар;

**талабгор** — жазони ижро этиш муассасаларига электрон платформа орқали товар ва буюмлар харид (онлайн) қилиш имконини берувчи электрон платформа ва Face-ID идентификация тизими мавжуд инфокиоскларни инвестиция киритиши орқали ўрнатиш истагини билдирган юридик шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти);

**талабгорни ўрганиш** — танлов комиссияси томонидан жазони ижро этиш муассасаларига инфокиоскларни инвестиция киритиши орқали ўрнатиш

истагини билдирган юридик шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти) ҳақидаги маълумотларни ўрганиш;

**танлов** — жазони ижро этиш муассасаларига инфокиоскларни ўрнатиш бўйича эълон қилинган танлов мезони ва шартларига мувофиқ талабгорлар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаб олиш жараёни;

**танлов комиссияси** — мазкур Низомда келтириб ўтилган функцияларни бажариш учун Жазони ижро этиш департаментида ташкил этиладиган комиссия;

**танловнинг ғолиби** — эълон асосида энг яхши таклифларни билдиришган, талабгорни ўрганиш натижалари бўйича ижобий баҳолангандан иштирокчи;

**электрон дўкон** — электрон платформа орқали товар ва буюмлар харид (онлайн) қилиш имконини берувчи дастурний таъминот.

3. Танлов қонунийлик, очиқлик, шаффофлик, холислик, ва иштирокчиларга тенг шароитлар яратиш тамойилларига мувофиқ ўтказилади.

## **2-боб. Жазони ижро этиш муассасаларида инфокиоскларни ўрнатиш бўйича танловни ташкил этиш**

4. Жазони ижро этиш департаменти томонидан маҳсус контингентнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, жазони ижро этиш муассасаларига ўрнатиладиган инфокиосклар миқдори ва техник талаблари белгиланади.

5. Жазони ижро этиш департаменти томонидан жазони ижро этиш муассасаларида инфокиоскларни ўрнатиш бўйича танлов комиссияси шакллантирилади.

Танлов комиссияси таркибига қўйидагилар киритилади:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси масъул вакили;

Жазони ижро этиш департаменти бошлигининг ахборот технологиялари бўйича ўринбосари;

Жазони ижро этиш департаменти Молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлифи;

Жазони ижро этиш департаментининг бошқа соҳавий хизмат ходимлари;

инфокиосклар ўрнатилиши мўлжалланган жазони ижро этиш муассасалари бошликлари.

Жазони ижро этиш департаменти Молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлифи танлов комиссияси раиси ҳамда мазкур бошқарманинг масъул ходимларидан бири танлов комиссияси котиби этиб тайинланади.

6. Танлов комиссияси томонидан маҳсус контингент, шу жумладан, уларнинг қариндошлари томонидан қонун билан тақиқланмаган буюмларни эркин бозор механизмларига асосланган электрон дўконлар орқали сотиб олиш имкониятини яратиш учун инфокиоскларни жазони ижро этиш муассасаларига ўрнатиш истаги мавжуд талабгорларни аниқлаш учун даврий нашрларда ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида танлов эълон қиласи.

7. Эълонда:

таклифларни топшириш тартиби ва муддати (кун ва соат);

хужжатларни қабул қиласиган танлов комиссиясининг манзили ва боғланиш телефони;

талабгорларга қўйиладиган талаблар;

талабгорларга инфокиоскларни ўрнатиш билан боғлиқ шартлар, шу жумладан, ўрнатиш ва жазони ижро этиш муассасаларига топшириш муддатлари кўрсатиб ўтилади.

8. Танлов комиссияси инфокиоскларни ўрнатиш бўйича таклиф билан чиқсан талабгорларнинг рўйхатини шакллантириб, танлов ўтказиш учун зарур бўлган хужжатларни тўплайди.

9. Инфокиоскларни ўрнатиш бўйича таклиф билан чиқсан талабгорларга танлов комиссияси томонидан танлов ўтказиш жойи ва вақти маълум қилинади.

10. Танловда иштирок этаётган талабгорлар қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

танлов ўтказиш жойи ва вақти бўйича батафсил маълумот олиш;

танловда шахсан ёки тегишли ишончнома асосида вакили орқали иштирок этиш;

танлов натижалари бўйича эътиrozларни белгиланган муддатларда танлов комиссиясига тақдим этиш ҳамда танлов комиссиясининг холосасидан норози бўлса, юқори турувчи орган ёки судга шикоят қилиш.

### **3-боб. Жазони ижро этиш муассасаларида инфокиоскларни ўрнатиш бўйича танлов мезонлари ва ғолибини аниқлаш тартиби**

11. Танлов комиссияси томонидан танловни ўтказиш давомида инфокиоскларни ўрнатиш бўйича таклиф билан чиқсан талабгорларнинг таклифлари ўрганиб чиқилади ва танлов ғолибини аниқлашнинг мезонлари асосида танлов ғолиби аниқланади.

12. Қўйидагилар танлов ғолибини аниқлашнинг мезонлари хисобланади:

талабгорнинг танловга қадар электрон савдо соҳасида бир йилдан кам бўлмаган тажрибага эга эканлиги;

талабгорнинг Face-ID идентификация тизими мавжуд бўлган инфокиосклар орқали савдо қилиш имконини берувчи дастурга эга эканлиги;

талабгорнинг барча жазони ижро этиш муассасаларига инфокиоскларни ўрнатиш учун киритадиган инвестиция (пул) маблағларига эга эканлиги;

ваколатли органлардан фаолиятни амалга ошириш учун тегишли рухсатномага эга эканлиги;

мoliavий аҳволининг барқарорлиги, солиқ ва ўйғимлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

маҳсус контингентга инфокиосклар орқали товар ва маҳсулотларни етказиб бериш учун етарли моддий-техник ҳамда логистика базасига (буортма қилинган товар ва буюмларни жазони ижро этиш муассасаларига етказиш учун транспорт воситалари, омбор ва ишчи кучига) эга эканлиги.

13. Агар битта талабгор томонидан тақдим этилган таклифда инфокиоск-

ларни барча жазони ижро этиш муассасаларда ўрнатиш назарда тутилмаган бўлса, бир нечта талабгорлар ғолиб деб топилиши мумкин.

14. Агар танлов ўtkазилган кунидан кейинги икки иш куни ичида талабгорлар томонидан танловни ўtkазиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, танлов комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи билан шартнома тузилади.

15. Талабгорларнинг танлов натижалари бўйича эътиrozлари танлов комиссияси томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилиниб, манфаатдор томонларга маълум қилинади.

Белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

16. Танловни ўtkазиш жараёни видеотасвирга олинади, танлов натижалари танлов комиссияси йифилишининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Танловни ўtkазиш жараёни видеотасвири танлов комиссияси йифилишининг баённомаси билан бирга сакланади.

17. Агар таклифларни қабул қилиб олишнинг муддати якунига қадар бирорта ҳам таклиф тушмаса ёки танловга иккитадан кам талабгорнинг таклифи тақдим этилса ёхуд тақдим этилган барча танлов таклифларида зарур хужжатларнинг пакети бўлмаганда, танлов комиссияси томонидан танлов ўtkazilmagan деб эълон қилинади.

#### **4-боб. Жазони ижро этиш муассасаларида инфокиоскларни ўрнатиш бўйича танлов ғолиби билан инвестиция мажбуриятларини назарда тутувчи шартномани расмийлаштириш**

18. Шартнома томонлар ўртасида олти ойдан уч ўйлгача бўлган муддатга тузилади.

Бунда танлов комиссияси қўйидагиларни инобатга олган ҳолда шартнома муддатини белгилайди:

инфокиоскларнинг техник хусусияти ва киритилган инвестиция (маблағлар) микдори;

шартномада инвестор томонидан инфокиоскларни такомиллаштириб бориши учун қўшимча инвестиция киритиш бўйича таклиф назарда тутилганини;

инвестор томонидан жазони ижро этиш муассасаларига ўрнатилиши таклиф этилган инфокиосклар сони.

19. Шартнома қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

шартноманинг предмети ва ҳисоб-китоблар тартиби;

шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари;

инфокиоскларни жазони ижро этиш муассасаларига ўрнатиш тартиби, уларни топшириш муддати;

инвестор ва жазони ижро этиш муассасасининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари;

томонларнинг шартнома шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги (шунингдек, форс-мажор ҳолатлар),

шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

низоларни судгача ва суд тартибida ҳал этиш тартиби;

шартномани бекор қилиш тартиби.

Фолиб бўлган талабгорнинг таклифида инфокиосклардан фойдаланиш давомида топган фойдасининг бир қисмини муассасаларга ажратиши назарда тутилган бўлса, бу шартномада акс эттирилиши лозим.

20. Шартномада инвестор томонидан шартнома тузилган санадан бошлаб икки ой ичида инфокиосклар жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти томонидан белгилаб берилган ҳудудга ўрнатилиши ҳамда улардан фақатгина жазони ижро этиш муассасасининг балансига топширилганидан сўнг шартнома билан белгиланган муддатда фойдаланиш мумкинлиги асосий шартлар сифатида белгиланиши зарур.

21. Инфокиосклардан фойдаланиш тартиби ва шартлари озодликдан маҳрум этиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларидан келиб чиқсан холда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

22. Шартнома билан белгиланган муддат ичида инфокиоскларда юзага келган техник носозларни бартараф этиш, дастурий таъминотини янгилашиб орниш инвесторнинг маблағлари хисобидан амалга оширилади.

23. Шартнома муддати тугагач, инфокиосклар жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти томонидан белгиланган тартибда ижарага берилади.

24. Инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши ҳамда шартнома шартларига риоя этилаётганлиги Жазони ижро этиш департаменти томонидан назорат қилинади.

### **5-боб. Якунловчи қоида**

25. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНинг  
ҚАРОРИ

**215** **Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари**  
**тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар кири-**  
**тиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/1-сон қарори (рўйхат рақами 3252, 2020 йил 30 июнь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3252/1098-сон) билан тасдиқланган Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис****М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 22 май,  
17/21-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2024 йил  
22 майдаги 17/21-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 20-банднинг 14-кичик банди ва 24-банднинг 13-кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. 132-баннда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«132. Банк филиал очганда ҳамда мазкур Низомнинг 132<sup>1</sup>-бандида кўрса-тилган талаблар ва шартларга риоя этган тақдирда мазкур банднинг бешинчи хатбохисида кўрсатилган хulosा олинган санадан эътиборан 30 кундан ке-чикирмай қўйидагиларни Марказий банкка тақдим этади:»;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«банк филиалини очганлик тўғрисида мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ шаклда ёзма хабарнома;»;

иккинчи — тўртинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 157-баннда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«157. Банк банк хизматлариофисини очганда ҳамда мазкур Низомнинг 158-бандида кўрсатилган талаблар ва шартларга риоя этган тақдирда маз-кур банднинг тўртинчи хатбохисида кўрсатилган хulosা олинган санадан эътиборан 30 кундан кечикирмай қўйидагиларни Марказий банкка тақдим этади:»;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«банк хизматлариофисини очганлик тўғрисида мазкур Низомнинг 13<sup>1</sup>-иловасига мувофиқ шаклда ёзма хабарнома;»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. 165-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«165. Уставга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун банк тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида Марказий банкка қўйидаги хужжатларни икки нусхада илова қил-ган ҳолда ариза тақдим этади:

уставга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги банкнинг тегишли ваколатли бошқарув органининг қарори (ягона акциядорнинг якка тартибда қабул қилинган қарори, акциядорлар умумий йиғилишининг баён-номаси, кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси) нусхаси;

банк кузатув кенгashi раиси (у бўлмаган тақдирда кузатув кенгашининг аъзоларидан бири) имзолаган банк уставига киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар.».

5. 167-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«167. Банк уставига киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар ҳажми катта бўлиб, улар устав билан ишлашни мураккаблаштиrsa, Марказий банк банқдан мазкур Низомнинг 165-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда икки нусхада уставнинг янги таҳририни тақдим этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бунда Марказий банк банкнинг янги таҳрирдаги уставини рўйхатдан ўтказади.».

6. 187-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«187. Банкнинг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги муносабати билан банк уставига ўзгартиришлар киритилганда, мазкур Низомнинг 165-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қўйидагилар икки нусхада Марказий банкка тақдим этилади:

банкнинг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш тўғрисида банкнинг ваколатли бошқарув органининг асослантирилган қарори;

хизмат кўрсатиш кўзда тутилаётган жойдаги Марказий банк худудий бош бошқармасининг банкнинг янги биноси, унинг муҳофаза қилиниши, ускуналар, ташкилий-техник воситалар билан жиҳозланиши ва дастурий таъминоти Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги холосаси — банк жойлашган бино ўзгарган тақдирда;

банк жойлашган бино ўзгармаган холда унинг почта манзили ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар — банк биноси жойлашган географик объект номи ўзгарган тақдирда;

банк жойлашган ерининг ўзгариши банк омонатчиларига таъсир этиши эҳтимоли ва бундай ўзгариш натижасида банк стратегиясида кутилаётган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида маълумот — банк бошқа маъмурий-худудий бирликка (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул) кўчган тақдирда.».

7. 188-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«188. Марказий банк қўйидаги ҳолларда банкнинг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги муносабати билан банк уставига киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишни рад этади:

мазкур Низомнинг 165 ва 187-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда ёки тақдим этилган ҳужжатлар қонунчилик талабларига номувофиқ бўлганда;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**216** Уруғлик пахта хом ашёсини жамғариш, белгиланган стандарт талаблари бўйича сақлаш ва дастлабки қайта ишлашгача бўлган жараённинг тўғри бажарилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3522*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 декабрдаги ПҚ-391-сон «Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Уруғлик пахта хом ашёсини жамғариш, белгиланган стандарт талаблари бўйича сақлаш ва дастлабки қайта ишлашгача бўлган жараённинг тўғри бажарилиши тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйрук Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

3. Ушбу буйрук расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Вазир**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 30 май,  
15-сон

*Келишилди:*

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

2024 йил 25 май

---

\* Ушбу буйрук «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 июнда эълон қилинган.

*Ўзбекистон техник жиҳатдан  
тартибга солиш агентлиги  
директори ўринбосари*

*А. АБДУКАЮМОВ*

*2024 йил 29 май*

*Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*Д. ВАХАБОВ*

*2024 йил 23 май*

*Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер  
эгалари кенгаши раиси*

*А. ХАИТОВ*

*2024 йил 25 май*

*Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил  
30 майдаги 15-сон бўйруғига  
ИЛОВА*

**Уруғлик пахта хом ашёсини жамғариш, белгиланган стандарт  
талаблари бўйича сақлаш ва дастлабки қайта ишлашгача  
бўлган жараённинг тўғри бажарилиши тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом уруғлик пахта хом ашёсини тайёрловчи корхоналарда (бундан буён матнда уруғлик тайёрлаш корхоналари деб юритилади) уруғлик пахта хом ашёсини жамғариш, белгиланган стандарт талаблари бўйича сақлаш ва дастлабки қайта ишлашгача бўлган жараённинг тўғри бажарилиши тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**уруглик пахта** — уруғлик чигит олиш учун мўлжалланиб, экилган майдонлардан терилган пахта;

**уруглик пахта ғарами** (бундан буён матнда ғарам деб юритилади) — селекция нави, авлоди ва саноат нави, типи, синфи бир хил бўлган уруғлик пахтани маҳсус сақлаш майдончаларида жамғариш;

**уруглик тайёрлаш корхонаси** — уруғлик пахтани қабул қилиш, уни жамлаб, ғарамларда сифатли сақланишини амалга оширувчи корхона (маскан);

**уруглик пахта тўдаси** — бир вақтда, бир хил даладан, бир хил селекцион нав, авлоди бир хил, нав тозалиги, бир хил саноат нави тегишли хужжат билан расмийлаштириладиган уруғлик пахта миқдори.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган майдонларда ўтказилган апробация натижаларига мувофиқ уруғлик пахтанинг селекция нави, авлоди, уруғлик тайёрлаш режаси тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили 1 сентябрга қадар уруғлик тайёрлаш корхоналарига етказади.

## **2-боб. Уруғлик тайёрлаш корхоналарида уруғлик пахтани жамғаришга тайёргарлик кўриш**

3. Уруғлик пахта хом ашёсини қабул қилиб олиш ва жамлаш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

4. Уруғлик пахтани қабул қилиш бошлангунга қадар уруғлик тайёрлаш корхоналари қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

уруглик пахта хом ашёсининг селекция нави, авлоди бўйича жойлаштириш режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш, бунда уруғлик пахта тўдасининг селекция нави (дурагайлар), авлодлар, нав тозалиги, тоифалари, намлиги, ифлослиги ва чигитларнинг механик шикастланишини ҳисобга олиш;

уруглик пахтани селекция нави (дурагайлар) бўйича жойлаштириш, расмийлаштириш учун керакли микдорда қанор-қоплар, ёрлиқлар, пломбалар, нав ҳужжатлари бланкаларини тайёрлаш;

сентябрь ва октябрь ойларида келтирилган уруғлик пахтани селекцион ва саноат навлари, синфлари бўйича авлоди ва дала гурухи кўрсатилган ҳолда алоҳида тўдаларга жамғарилишига тайёргарлик кўриш;

уруглик пахта топширувчи пахта-тўқимачилик кластерлари, фермер ҳўжаликлари, элита уруғчилик ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги ташкилотлари (бундан бўён матнда уруғчилик субъектлари деб юритилади) томонидан келтирилаётган машинада ёки қўлда терилган уруғлик пахтани алоҳида қабул қилишга тайёргарлик кўриш;

ёнфинга қарши кураш бўйича огоҳлантирувчи ёзувларни кўринадиган жойларга осиб қўйиш;

уруглик пахтани таҳлил қилиш лабораториясининг зарур ўлчаш воситалари, синов ускуналари, реактивлар ва бошқа воситалар билан таъминлаш, метрологик кўрикдан ўтган лаборатория ускуналаридан фойдаланиш;

брезентлар, лаборатория жихозлари, асбоб-ускуналар, ўров ва бошқа табл этиладиган ҳўжалик материаллар захирасини яратиш;

трактор, бошқа механизмлардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича тадбирларни ўтказиш.

5. Ҳар бир уруғлик тайёрлаш корхоналарида узунлиги 6 — 9 метрли кўчма нарвонлар бўлиши керак.

6. Фарам майдонининг ўлчами эни 14 м, узунлиги 25 м бўлиши керак.

7. Фарам майдони марказининг юзаси ёмғир сувлари оқиб кетиши учун 5 — 7 см баландроқ бўлиши лозим.

8. Ёмғир сувларини ва ер ости сувларини чиқариб ташлаш учун фарам майдонининг атрофида (тўрт томони) сув чиқиб кетадиган ариқчалар очила-

ди. Ушбу ариқчалар ғарам майдони четидан 0,7 м узокликда бўлиши керак. Ғарам майдони билан ариқча орасидаги масофа пахта бузилишининг олдини олиш учун асфальтланади.

9. Ер ости сувлари юқори жойлашган ерларда ариқчалар 20 — 25 см чуқурликда, бошқа жойларда эса тупроқ таркибини ҳисобга олган ҳолда 50 — 60 см чуқурликда қазилади.

10. Ғарам майдони ер сатҳидан 40 см баланд қилиб кўтарилиши керак, унга асфальт ётқизилади. Ғарам майдонининг ўртасидан туннелни тўғри қазиш учун маҳсус чизик билан белгилаб қўйилади.

11. Уруғлик тайёрлаш корхоналари ҳудудида, уруғлик пахта қабул қилинётган майдончалари таъмирланган, ҳудуд асфальтланган, тозаланган ва зараркунандаларга қарши дезинфекцияланган ва омборларда ўтган йиллардан қолган пахта ва чигит қолдиқларидан тозаланган бўлиши лозим.

12. Уруғлик пахтанинг оригинал (суперэлита), элита авлоди омборларга қабул қилинади. Бунда, ушбу омборларнинг томлари, деворлари, пастки қисми (пол) эшиклари таъмирланган ва дезинфекцияланган, деразаларига ойна солинган, электр ёритқичлар турили химоя қалпоқлар билан таъминланган бўлиши лозим.

**3-боб. Уруғлик тайёрлаш корхоналарида уруғлик пахтани қабул қилиш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашгача амалга ошириладиган тадбирлар**

**1-§. Уруғлик пахтани қабул қилиш**

13. Уруғлик тайёрлаш корхоналари, уруғчилик субъектлари томонидан топширилаётган уруғлик пахтани апробация далолатномалари асосида селекцион нави, авлоди ва миқдори бўйича асосий ва захира фондига қабул қиласди.

14. Уруғлик тайёрлаш корхоналари уруғлик пахтани қўйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга асосан қабул қиласди:

O‘z DSt 592:2008 «Пахта. Ифлосликни аниқлаш усуслари»;

O‘z DSt 593:2008 «Пахта. Пахта толасининг тавсифномаларини аниқлаш усуслари»;

O‘z DSt 615:2008 «Пахта. Техникавий шартлар»;

O‘z DSt 642:2013 «Уруғлик пахта. Техникавий шартлар»;

ГОСТ 9679.0-2009 «Пахта хом ашёсидан намунани танлаб олиш усуслари».

15. Уруғчилик субъектлари томонидан уруғлик тайёрловчи корхоналарга уруғлик пахтани топшириш жараёни З босқичда амалга оширилади. Бунда:

1-босқичда келтирилган уруғлик пахталардан намуна олиниб, саноат нави ва синфи аниқланади ҳамда ушбу намуна лабораторияга ифлослик ва намликини аниқлаш учун жўнатилади;

2-босқичда уруғлик пахта электрон тарозида ўлчанади;

3-босқичда уруғлик пахтанинг белгиланган ғарамга туширилишини ташкил қиласди.

16. Уруғлик тайёрловчи корхоналарга топширилаётган уруғлик пахта саноат нави органолептик ташқи кўринишини этalon намуналар кўз билан кўриб солиштириш йўли билан ва намлик ва ифлослик инструментал приборлар ёрдамида аниқланади.

17. Уруғлик пахта қабул қилинаётгандага уруғлик тайёрловчи корхона лабораториясига келтирилган уруғлик пахтага берилган нав ҳужжатидаги ёзувлар апробация далолатномаларига мос келиш-келмаслигини уруғлик тайёрловчи корхонанинг масъул ходими текширади ва апробация далолатномасига асосан уруғлик пахтани топшириш режаси бўйича қабул қиласди.

18. Намуна олувчи уруғлик топширувчи иштирокида уруғлик пахтадан намуналарни танлаб олади ва эталонлар намуналарга солиштириб саноат навини аниқлайди ва лаборатория журналида қайд қиласди.

19. Топширилаётган уруғлик пахтанинг саноат нави кўрсаткичлар бўйича эътиrozлар юзага келганда қайта намуналар олиниб, лабораторияда пахтанинг пишиб етилганлик коэффициенти бўйича таҳлиллар амалга оширилади ва якуний хулоса чиқарилади.

20. Намуна олувчи ва оператор ҳар бир намунанинг тўғри олинишига шахсан масъул ҳисобланади.

Олинган намуналар уч кун ичida пахта уруғчилиги лабораториясига 1 kg уруғлик пахта чигитини унинг механик шикастланганлик даражасини аниқлаш учун берилади. Пахтанинг қолган қисмидан лабораторияда толаси ажратилади, олинган чигит эса пишиб етилганлиги ва унувчанлигини аниқлаш учун пахта уруғчилиги лабораториясига жўнатилади.

21. Уруғлик пахтани қабул қилишда хом терилган ва касалликка учраган пахтани қабул қилишга йўл қўйилмайди.

22. Уруғлик пахтани топширишда куннинг ёруғ вақтларида қабул қилиш ва жамлаш талаб этилади.

23. Уруғлик тайёрлаш корхоналари лаборантлари уруғлик пахтанинг ҳар бир тўдасини ғарамлаш вақтида намуналар олиниб таҳлил қилиб боради.

24. Олинган ҳар бир намунага уруғлик тайёрлаш корхона лаборанти имзолаган тўда рақами, пахтанинг селекцион нави, авлоди, саноат нави, синфи, тўдани жамлаш бошланган, тугаган вақти ва унинг вазни, намуна олинган муддати кўрсатилган ёрлиқ ёпиширилади.

25. Кун давомида навдорлик сифат кўрсаткичлари жиҳатидан бир хил навли, авлодли ва тоифали, уруғлик пахта бир неча маротаба топширса, навли уруғлик пахта таҳлили ва уларни қабул қилишни расмийлаштириш кунлик ҳар бир намуналар бўйича амалга оширилади.

26. Топширилаётган уруғлик пахтанинг саноат нави синфи ва бошқа сифат кўрсаткичлари таҳлил натижаларига кўра эътиroz бўлган тақдирда куйидагилар амалга оширилиши шарт:

а) таҳлиллар ўтказиш учун уруғлик тайёрловчи корхонанинг лабораторияси пахтадан такрорий намуна олади;

б) олинган намуналар уруғлик тайёрловчи корхона ва уруғчилик субъектлар иштирокида баҳсли намуна муҳрланади ҳамда лаборатория бошлиғи томонидан тегишли далолатнома тузилади;

д) намуна пахта тайёрлаш корхонасининг лабораториясига жўнатилади ва такорий таҳлил ўтказилади;

э) такорий таҳлил натижалари бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинади.

27. Топширилаётган уруғлик пахта O'z DSt 642:2013 «Уруғлик Пахта. Техникавий шартлар» стандартига жавоб бермаганда унинг сабаблари кўрсатилади ва уруғлик етиштирувчи субъектга қайтарилади ёки унинг розилиги билан уруғлик тайёрлаш корхоналарига техник пахта сифатида топширилади.

28. Уруғлик пахтани қабул қилиш жараёнида низолар уруғлик тайёрлаш корхонасининг лабораторияси томонидан сифат кўрсаткичлари қабул қилгунга қадар ҳал қилинади.

## **2-§. Уруғлик пахтани қабул қилиш, ғарамлаш ва дастлабки қайта ишлашгача сақлаш**

29. Уруғлик пахта сифати аниқланганидан кейин уруғлик тайёрловчи корхона лабораторияси ходими уларни дислокацияга мувофиқ жойлаштириш учун уруғчилик субъектига кўрсатма беради.

30. Уруғлик пахтанинг оригинал (суперэлита), элита авлодлари янги қанор-қопларга солинади ҳамда улар қуруқ, тоза ва усти ёпиқ айвонларда сақланади. Қанор-қоплар эса таҳтадан қилинган таглик устига таҳлаб қўйилади.

31. Қабул қилиш пайтида уруғчилик субъектидан олинадиган уруғлик пахта селекция нави ва экин тўғрисидаги хужжатлар уруғлик тайёрловчи корхонада сақланади.

32. Уруғлик пахтани узоқ вақт яхши ҳолатда сақлаш ва ундан сифатли тола ва уруғлик чигит олиш учун уруғлик пахтанинг нави ва синфини ҳисобга олган ҳолда табақалаб ғарамланади.

33. Ёғингарчилик пайтларида уруғлик пахтани ғарамга босиш ман этилади. Бунда, ёпиқ омбор ёки айвонларга уруғлик пахта олинишига рухсат этилади.

34. Ғарамга тўқилган уруғлик пахта майдонининг ҳамма жойига бир текисликда ва қалинликда жойлаштирилиши лозим.

35. Ғарамлаш пайтида уруғлик пахта қўшимча ифлосланмаслиги учун ғарамнинг тўрт томонига 1,5 — 2 т кенгликда эски брезент ёки мато солинади.

36. Ғарамда кейинчалик ўзгариш ҳоллари бўлмаслиги учун уруғлик пахта тўшамаси 0,9-1,0 т дан ортмай туриб, зичлаш керак. Бир кунда битта майдонга 60 — 65 тоннадан ортиқ уруғлик пахта босиш тавсия этилмайди.

37. Ғарамлашда уруғлик пахтани ғарам четидан камида 0,5 т ичкарида, 3,5 — 5 т кенгликда зичлаш керак.

38. Уруғлик пахтани ғарамнинг ҳамма жойига бир текис ёйилишига ва яхши шиббаланишига алоҳида эътибор бериш керак. Ғарамнинг зичланган қисми (чекка қисми) доимо ўрта қисмидан пастроқ бўлиши талаб этилади.

39. Уруғлик пахта ғарамга ҳаво очик кунларда ёйиб босилади.

40. Уруғлик пахта ғарамга босиб бўлингач аста-секин чўкади ва 10 — 15 кунда 1 — 1,5 метрга пасаяди ва ғарам кўтариб бўлингач атрофида осилиб қолган пахталар (таралиши) юлиб олиниши керак.

41. Очиқ майдонларда сақланаётган уруғлик пахтанинг устини ёпиш учун ўлчами 8,5x7 т бўлган фақат янги ва биринчи даражали брезентлар билан ёпилиши керак.

42. Фарамлар ёпиладиган брезентларнинг ўлчами 8,5x7 т бўлса, 25x14 т майдондаги фарамни ёпиш учун ўнта брезент керак бўлади, бунда тўртта брезентдан иккита брезент тикилади, иккита брезент алоҳида қилиб калта 7 т бўлган томонидан тикилади. Тикилган брезентнинг ўлчами 17x7 т бўлади. Тикилган брезент 17 т бўлган томони билан тахланади.

43. Кенглиги 14 т, гумбаз қисми 2,5 т бўлган фарамга узунлиги бўйлаб 5 та брезент ёпилади. 25x14 т бўлган фарамни 8 та брезент билан ёпишда тўртта брезент 7 т ли томонидан тикилади. Фарамга 17 т бўлган томони билан ёпилади.

44. Ҳар бир брезентга ўртача 30 тонна пахта тўғри келиши керак.

45. Фарамни усти брезент билан ёпилишидан олдин фарам устидаги чуқур пайдо бўлишининг олдини олиш керак. Акс ҳолда ёмғир суви тўпланиб пахтага ўтиб кетиши олдини олиш мақсадида пахта фарами чўккандан кейин хосил бўлган паст-баландликлар текисланиб қўйилиши лозим.

46. Намлиги меъёрда бўлган уруғлик пахта фарамларига орадан 8 — 10 кун, ортиқча намлиқдаги фарамлар тиклангач эса 3 — 5 кун ўтгандан кейин узунасига битта туннел очилади ва туннел таги тозаланган ва олд қисми ҳаво айланиши учун доимо очиқ туриши талаб этилади.

47. Омборхоналар ва айвонлар остига босилган пахтада ҳам фарамлардаги каби туннеллар фақат олд томонидан очилади ва усти брезентлар билан ёпилган ҳолда ҳаво сўргич ишлатилади.

48. Уруғлик пахта фарамлари кўтарилигач, уларнинг атрофи ўз вақтида тараш-қирқиши ишлари бажарилади ва фақат янги брезентлар билан ёпилади, унга зудлик билан тунел қазилиб уруғлик пахтанинг вақтинчалик қизиб кетишини олдини олиш учун ҳаво сўргич қўйилади.

49. Фарамлардаги уруғлик пахтанинг намлигини ўз вақтида аниқлаш учун уруғлик тайёрлаш корхона лабораторияси сақланаётган пахтанинг ҳароратини ҳар 10 — 15 кунда бир маротаба текшириб туради ва тегишли дафтарга қайд қиласди.

50. Уруғлик пахта фарамлардаги ҳарорати 8 жойдан (4 та бурчак томондан, 4 таси эса ён, олд ва орқа томонлардан) 4 метр чуқурлиқда ўлчанади. Омборларда сақланган уруғлик пахта фарамларининг эса эшик томонидан битта жойда, тепа қисмидан 4 — 6 жойдан ўлчанади. Ҳарорат ўлчагич фарам ичиди камида 30 дақиқа туриши лозим.

51. Ўлчанган ҳарорат лабораториянинг уруғлик пахтани сақлаш дафтарда қайд этилади.

52. Сақланаётган уруғлик пахта тўдаларидаги ҳарорат биринчи ўлчашда 30 — 35 °С дан ортиқ бўлса ёки кейинги ўлчашларда бир нуқтанинг ўзида 2-3 даражага ортиб кетса, фарамдаги иссиқ ва нам ҳавони ҳаво сўргич мосламаси вентиляторлардан фойдаланилган ҳолда сўриб чиқариб ташлаш йўли билан уни совитиш лозим.

53. Фарам кўтарилигандан ва тегишлича чўккандан кейин қўлда ёки меҳа-

низмлар ёрдамида унинг узунлиги бўйлаб эни 1,0 м, баландлиги эса 2,0 м ли туннел очилади. Ҳаво сўриб олинишидан аввал бир тарафи туннелнинг 1,5 — 2,0 м узунлигига пахта билан тўсилади ва устига III ва IV даражали брезент билан 2 қават қилиб ёпилади.

54. Ҳаво иссиқ кунларда (ҳарорат 25 — 30 °C дан ортиқ бўлганда) ғарам ичидаги ҳавони кечаси ёки эрта тонгда сўриб олиш мақсадга мувофик.

55. Юқори намлиқдаги уруғлик пахта ҳароратини пасайтириш самара-дорлиги ва уруғлик пахтанинг яхши сақланишини таъминлаш ғарамнинг тўғри кўтарилганлигига ҳамда баланд-пастлиги бир хиллигига боғлиқдир. Ғарам баландлиги бутун узунлиги бўйлаб бир хил бўлиши лозим.

56. Уруғлик пахтани ғарамлашда профилактик тарзда ҳавони сўриб олишда бу иш 6 — 8 соатдан кам давом этмаслиги керак. Уруғлик пахта ўз-ўзидан қизиган ҳолларда ҳаво сўриш жараёни ғарам ҳарорати ўлчанаётган саккизта жойда унинг иссиқлиги атроф ҳаво ҳарорати даражасига етгунча давом эттирилади.

57. Ҳавоси сўрилган ғарамларда олдин ўлчанган жойларда ҳар 6 — 8 соатда назорат ўлчови ўтказиб турилиш талаб этилади.

58. Уруғлик пахта тайёрлаш корхонаси томонидан ҳар ўн кунда ғарамлар тўғри босилиши, омборлардан фойдаланиш, сақланаётган уруғлик пахта сифатини ўрганилиши лозим.

59. Қабул қилинган ҳар бир уруғлик пахта ғарамига қўйидагилар кўрсатилган ёрлиқлар осиб қўйилади ва ёрлиқларда қўйидагилар қайд этилади:

хўжалик номи;

маҳсулот номи;

тўда сони ва массаси;

селекцион ва ишлаб чиқаришдаги нав;

синфи;

намлик фоизи;

ифлослик фоизи;

механик шикастланганлик фоизи;

авлоди;

даланинг кўрик гурухи;

омбор ёки ғарамнинг тартиб рақами;

ғарамлашнинг бошланган ва тугалланган куни.

60. Ғарамга чакка ўтаётганлиги ва уруғлик пахта намланганлиги аниқланган ҳолларда уруғлик пахтанинг намланган қалинлигини аниқлаш мақсадида ғарамни қудуқсимон қилиб тешиш ва намланган пахтани куритиш учун ажратиб олиш лозим.

61. Ёғингарчилик бўлиб ўтгандан сўнг барча омборхона, айвон ва ғарамлардаги пахталарни ҳолати ўрганиб чиқилади.

62. Брезент ёки томдан сув ўтган тақдирда намланган пахта ажратиб олиниб, қуритилади, томнинг бузилган жойи зудлик билан тузатилади, ғарамдаги ёпилган брезентларнинг ҳолати текшириб кўрилади.

63. Уруғлик пахтани ғарамларда, сақлаш даврида ариқчалар сув тошиб кетмаслиги учун вақти-вақти билан тозалаб турилади.

64. Уруғлик пахта тайёрлаш корхонаси томонидан қабул қилинган уруғлик пахтанинг қайта ишлашгача бўлган жараёнида ҳар 10 кунда сифатли сақланишини ўрганилади.

Уруғлик пахта ғарамини сақлашда қўйидагилар ўрганилади:

а) ғарам устидан сув ўтиши ва бошқа сабаблар туфайли намлик ортиб кетмаганлиги;

б) ғарамда пахта ўз-ўзидан қизиш жараёни бошланмаганлиги;

в) брезентларда қора доғлар пайдо бўлмаганлиги;

г) ғарамнинг туннеллари бошидаги пахталарни намланмаганлиги;

д) ғарамда тараашлаш-қирқиш ишлари амалга оширилганлиги;

е) ғарам чўкмаганлиги, агар чўккан бўлса қайта кўтарганлиги;

ж) ғарамга ёпилган брезент арқонлари маҳкамланганлиги;

з) ғарам ёрлиқлари осиб қўйилганлиги;

к) ҳаво сўргичлар ўз вақтида қўйилганлиги;

65. Ҳар бир ўрганиш натижаси пахта тайёрлаш корхонасининг махсус дафтарига қайд қилиб борилади.

66. Уруғлик пахтанинг ҳарорати олдинги ўрганишдаги ҳарорати 1,0 даражага ортиб кетганлиги аниқланса, унинг ҳароратини ҳар куни ўлчаб туриш талаб этилади. Агар кейинги 2-3 ўлчашда ҳароратни тобора ортиб бораётганлиги кузатилса, бу ҳолда вентилятор ёрдамида иссиқ ҳавони сўриб ташлаш йўли билан пахтанинг ўз-ўзидан қизишига йўл қўйилмаслиги шарт.

#### **4-боб. Якуний қоида**

67. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУФИ

**217** Кимматли қофозлар даромадлари (дивидендлар, фоизлар) тўловларини «қимматли қофозлар марказий депозитарийси» АЖ ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3523*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон «Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман**:

1. Қимматли қофозлар даромадлари (дивидендлар, фоизлар) тўловларини «Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» АЖ ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 6 май,  
4-сон

*Келишилди:*

*Марказий банк раиси*

*M. НУРМУРАТОВ*

*2024 йил 29 апрель*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 29 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
истиқболли лойиҳалар миллий  
аентлиги директорининг 2024 йил 6 майдаги  
4-сон бўйргуига  
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар даромадлари (дивиденdlар, фоизлар)  
тўловларини «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси»  
АЖ ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали амалга  
oshiриш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Марказий депозитарий деб юритилади) ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали қимматли қоғозлар даромадларини (дивиденdlар, фоизлар) тўлаш ҳамда талаб қилиб олинмаган даромадлар (дивиденdlар, фоизлар) хисобини юритиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари акция ва облигациялар шаклидаги эмиссиявий қимматли қоғозларга (бундан буён матнда қимматли қоғозлар деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади, бундан давлат қимматли қоғозлари мустасно.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**қимматли қоғозлар даромадлари** — қимматли қоғозга эгалик қилиш натижасида бевосита олинадиган дивиденд ёки фоиз кўринишидаги маблағлар;

**қимматли қоғозлар эгалари** — қимматли қоғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахслар;

**қимматли қоғозлар эгаларининг реестри** — рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга қарашли эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар эмитентининг номи, ушбу қимматли қоғозларнинг сони, номинал қиймати, тури ва хили, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборот юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхати;

**эмитент** — эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс;

**шахсий ҳисобварақ** — қимматли қоғозлар даромадларини тўлаш ва хисобини юритиш мақсадида қимматли қоғозлар эгаларига Марказий депозитарийда очиладиган ҳисобварақ;

**Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий аентлиги** — қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи.

2. Дивиденdlарни тўлаш акциядорлик жамиятининг устави ёки акция-

дорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ жамиятнинг ўзи томонидан амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳукуқига эга.

3. Қимматли қофозлар эгаларига қимматли қофозлар даромадлари эмитент билан Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси ўртасида тузиладиган шартнома (бундан бўён матнда шартнома деб юритилади) асосида Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси томонидан тўланади.

4. Хорижий номинал сақловчи, инвестиция воситачиси ва уларнинг мизжоларига тегишли қимматли қофозлар даромадларини тўлаш Марказий депозитарий ҳамда хорижий номинал сақловчи ва (ёки) инвестиция воситачиси ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

5. Қимматли қофозлар даромадларини тўлаш учун Марказий депозитарийда эмитент ва қимматли қофозлар эгаларига шахсий ҳисобвараклар очилади.

6. Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачисининг мажбуриятлари бўйича эмитент ёки қимматли қофозлар эгаларининг шахсий ҳисобваракларидаги пул маблағларини ундириш тақиқланади.

7. Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси шахсий ҳисобвараклардаги пул маблағларидан ўз мақсадлари ёки учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб фойдаланиши мумкин эмас.

8. Қимматли қофозлар эгаларининг шахсий ҳисобваракларидаги маблағлар қолдиги учун фоизлар (мукофотлар) ҳисобланмайди.

## **2-боб. Қимматли қофозлар даромадларини тўлаш**

9. Қимматли қофозлар даромадларини ҳисоблаш ва тўлаш мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

10. Эмитент ҳамда Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси ўртасида акциялар бўйича дивиденд тўловларини амалга ошириш юзасидан хизмат кўрсатиш шартномаси дивидендларни тўлаш тўғрисидаги эмитентнинг бошқарув органи томонидан қарор қабул қилинадиган санадан камида 30 кун олдин тузилади.

11. Марказий депозитарий эмитентнинг топшириғига асосан акциялар эгалари реестрини шакллантириб уч кун ичida эмитентга тақдим этади.

Марказий депозитарий эмитентнинг топшириғига асосан облигациялар бўйича тўланадиган фоиз даромадларини ҳисоб-китоб қилган ҳолда облигациялар эгалари реестрини уч кун ичida эмитентга тақдим этади.

12. Эмитентнинг бошқарув органи дивиденд тўланиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун ичida Марказий депозитарийга дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш учун акциялар эгалари реестрини шакллантириш ҳақида хат тақдим этади.

13. Марказий депозитарий эмитентнинг хати олинган кундан бошлаб

икки иш куни ичидан дивидендларни хисоблаш ва тўлаш учун акциялар эгалари реестрини тузади ҳамда уни дивидендлар бўйича солиқ ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун эмитентга тақдим этади.

14. Марказий депозитарий томонидан қимматли қофозлар даромадлари ни хисоблаш ва тўлаш мақсадида қимматли қофозлар эгалари реестрини тузиш учун қўйидагилар асос бўлади:

акциялар бўйича дивидендлар учун эмитент бошқарув органининг акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар миқдори тўғрисидаги қарори (эмитент ваколатли бошқарув органининг баённомасидан кўчирма);

облигациялар учун қимматли қофозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва агар мавжуд бўлса, қимматли қофозлар эмиссия рисоласи.

15. Марказий депозитарий реестрга киритилган қимматли қофозлар эгаларига келгусида қимматли қофозлар даромадлари тўланиши тўғрисидаги хабарнома реестр шакллантирилган санадан эътиборан бир иш кунида ахборот-коммуникация технологияларидан (шахсий кабинет, электрон почта, СМС, SWIFT) фойдаланган ҳолда электрон шаклда юборади ва Марказий депозитарийнинг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Шартнома эмитент ва инвестиция воситачиси ўртасида тузилган тақдирда, Марказий депозитарий реестр шакллантирилган санадан эътиборан бир иш куни ичидан инвестиция воситачисига қимматли қофозлар эгаларининг реестрини тақдим этади ва инвестиция воситачиси ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширади.

16. Жисмоний шахсларга юбориладиган қимматли қофозлар даромадлари тўланиши тўғрисидаги хабарномада мобил қурилмага юклаб олиниши мумкин бўлган Марказий депозитарийнинг ва (ёки) инвестиция воситачисининг мобил иловасига ҳавола мавжуд бўлади.

17. Марказий депозитарий эмитентнинг топшириғи асосида қимматли қофозлар даромадларини хисобга олиш ва тўлаш учун эмитент ва қимматли қофозлар эгалари реестрига киритилган шахсларга шахсий ҳисобвараклар очади.

18. Марказий депозитарий қимматли қофозлар эгаларига шахсий ҳисобварак очишдан аввал уларни террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатида мавжудлигини текширади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чораларни кўради.

19. Жисмоний шахслар учун очилган шахсий ҳисобвараклар ушбу ҳисобвараклар эгалари томонидан Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачисининг мобил иловасидан (агар мавжуд бўлса) фойдаланган ҳолда масофадан туриб бошқарилиши мумкин.

20. Эмитент қимматли қофозлар бўйича тегишли солиқларни хисоблаб тўлаганидан сўнг тўланиши керак бўлган маблағ кўрсатилган қимматли қофозлар эгалари реестрини Марказий депозитарийга ва (ёки) инвестиция воситачисига тақдим этади ҳамда қимматли қофозлар эгаларига тўланиши керак бўлган маблағларни Марказий депозитарийга ва (ёки) инвестиция воситачисига ўтказади.

21. Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси томонидан қимматли қофозлар даромадлари келиб тушган кундан эътиборан икки иш куни ичида қимматли қофозлар эгалари реестрига киритилган жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақларига уларга тегишли бўлган пул маблағлари ўтказилади.

22. Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси томонидан қофозлар эгалари реестрига киритилган юридик шахсларга уларнинг қимматли қофозлар даромадлари улар келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида қимматли қофозлар эгаларининг реестрида кўрсатилган юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларига ўтказилади.

23. Тўланиши лозим бўлган қимматли қофозлар даромадлари эмитент томонидан қисман ёки тўлиқ бўлмаган миқдорда ўтказилган тақдирда, Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси барча қимматли қофозлар эгаларига умумий тўлов суммасининг 1 (бир) тийингача яхлитланган ҳолда тўловларни мутаносиб равишда амалга оширади.

Бунда, қимматли қофозлар бўйича даромадларни базъи қимматли қофозлар эгаларига бошқаларга нисбатан эрта ёки кечроқ тўлашга йўл қўйилмайди.

Эмитент томонидан қимматли қофозлар даромадлари қимматли қофозлар эгаларига қисман ёки тўлиқ бўлмаган миқдорда тўлаш учун ўтказилган тақдирда, Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси икки иш кунидан кечиктирмай қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини хабардор қиласди.

24. Жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақларига қимматли қофозлар даромадлари ўтказилганидан сўнг жисмоний шахслар ушбу маблағларни Марказий депозитарийнинг ва (ёки) инвестиция воситачисининг мобил иловасидан фойдаланган ҳолда ўзларининг тижорат банкларида очилган банк ҳисобварақларига, шу жумладан банк карталарига ўтказишлари мумкин.

25. Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси қимматли қофозлар даромадлари қимматли қофозлар эгаларига тўлангандан сўнг уч кун ичида эмитентга амалга оширилган операциялар тўғрисидаги ҳисботни тақдим этади.

### **3-боб. Талаб қилинмаган қимматли қофозлар даромадлари ҳисобини юритиш**

26. Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси томонидан юридик шахсларнинг банк реквизитлари бўйича қимматли қофозлар даромадларини тўлаш имконияти бўлмаган (банк реквизитлари мавжуд бўлмаган, кўрсатилган банк ҳисобварағида хатолик бўлганлиги сабабли тўловлар амалга ошмаган ёки қабул қилувчи банк томонидан қайтариб юборилган ва бошқа) ҳамда шахсий ҳисобварақ очиш учун жисмоний шахсларнинг маълумотлари етарли бўлмаган тақдирда, қимматли қофозлар даромадлари Марказий депозитарийда очилган Аниқлангунга қадар шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

27. Аниқлангунга қадар шахсий ҳисобварағидаги қимматли қофозлар

даромадларининг ҳисоби ҳар бир қимматли қофозлар эгаси бўйича алоҳида юритилади ҳамда ушбу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

28. Аниқланунга қадар шахсий ҳисобварағидаги қимматли қофозлар даромадлари қимматли қофозлар эгаси ёки унинг меросхўри томонидан талаб қилиб олгунига қадар сақланади.

29. Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси Аниқланунга қадар шахсий ҳисобварағидаги қимматли қофозлар даромадларини олиш учун мурожаат қилган қимматли қофозлар эгаси ёки унинг меросхўрини беш иш куни ичida идентификация қилиши ва қимматли қофозлар даромадлари ни уларнинг ҳисобварақларига ўтказиб бериши лозим.

30. Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси Аниқланунга қадар шахсий ҳисобварағидаги қимматли қофозлар даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига тақдим этади.

#### **4-боб. Якуний қоида**

31. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Кимматли қоғозлар даромадлари (дивидендлар, фоизлар) тўловларини «Кимматли қоғозлар марказий депозитарийси» АЖ ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

### **Кимматли қоғозлар даромадларини ҳисоблаш ва тўлаш СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Ижрочи томон	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Эмитент	<p>1. Эмитент билан Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси ўртасида акциялар бўйича дивиденд тўловларини амалга ошириш юзасидан шартнома тузиш.</p> <p>2. Эмитент билан Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси ўртасида облигациялар бўйича фоиз тўловларини амалга ошириш юзасидан шартнома тузиш.</p>	дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул килинишидан 30 кун олдин фоиз тўловларини тўлашдан аввал
2-босқич	Марказий депозитарий	<p>1. Эмитентнинг топшириғига асосан акциялар эгалари реестрини шакллантириб эмитентга тақдим этиш.</p> <p>2. Эмитентнинг топшириғига асосан облигациялар бўйича тўланадиган фоиз даромадларини ҳисоб-китоб қилган холда облигациялар эгалари реестрини эмитентга тақдим этиш.</p>	3 кун
3-босқич	Эмитент	Марказий депозитарийга дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш учун акциялар эгалари реестрини шакллантириш ҳақида топширик тақдим этиш.	дивиденд тўланиши тўғрисидаги қарор қабул килинган кундан бошлиб 10 кун ичida
4-босқич	Марказий депозитарий	<p>1. Дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш учун акциялар эгалари реестрини тузади ҳамда уни дивидендлар бўйича солик ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун эмитентга тақдим этиш.</p> <p>2. Реестрга киритилган қимматли қоғозлар эгаларига келгусида қимматли қоғозлар даромадлари тўланиши тўғрисидаги хабарномани ахборот-коммуникация технологияларидан (шахсий кабинет, электрон почта, СМС, SWIFT) фойдаланган холда электрон шаклда юбориш ва ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириши.</p> <p>3. Шартнома эмитент ва инвестиция воситачиси ўртасида тузилган тақдирда, инвестиция воситачисига қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини тақдим этиш.</p>	2 иш куни  реестр шакллантирилган санадан бошлиб 1 иш куни

5-босқич	Эмитент	<p>Кимматли қоғозлар бўйича тегишли солиқларни хисоблаб тўлаганидан сўнг тўланиши керак бўлган маблағ кўрсатилган қимматли қоғозлар эгалари реестрини Марказий депозитарийга ва (ёки) инвестиция воситачисига тақдим этиш ҳамда қимматли қоғозлар эгаларига тўланиши керак бўлган маблағларни Марказий депозитарийга ва (ёки) инвестиция воситачисига ўтказиш</p>	келишилган муддатда
6-босқич	Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси	<p>1. Қимматли қоғозлар даромадларини қимматли қоғозлар эгалари реестрига киритилган жисмоний шахсларнинг шахсий хисобваракларига ўтказиш.</p> <p>2. Қоғозлар эгалари реестрига киритилган юридик шахсларга уларнинг қимматли қоғозлар даромадлари қимматли қоғозлар эгаларининг реестрида кўрсатилган юридик шахсларнинг банк хисобваракларига ўтказиш.</p> <p>3. Қимматли қоғозлар бўйича даромадлар эмитент томонидан қисман ёки тўлик бўлмаган миқдорда тўлаш фактлари аниқланган тақдирда, қимматли қоғозлар бозорини тартиба солиш бўйича ваколатли давлат органини хабардор қилиш.</p> <p>4. Қимматли қоғозлар даромадлари қимматли қоғозлар эгаларига тўлангандан сўнг эмитента амалга оширилган операциялар тўғрисидаги хисоботни тақдим этиш.</p>	<p>2 иш куни</p> <p>3 иш куни</p> <p>2 иш кунидан кечиктирмай</p> <p>3 кун</p>
7-босқич	Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси	<p>1. Юридик шахсларнинг банк реквизитлари бўйича қимматли қоғозлар даромадларини тўлаш имконияти бўлмаган (банк реквизитлари мавжуд бўлмаган, кўрсатилган банк хисобварагида хатолик бўлганлиги сабабли тўловлар амалга ошмаган ёки қабул қилувчи банк томонидан қайтариб юборилган ва бошқа) ҳамда шахсий хисобварак очиш учун жисмоний шахсларнинг маълумотлари етарли бўлмаган тақдирда, қимматли қоғозлар даромадлари Марказий депозитарийда очилган Аниқлангунга қадар шахсий хисобварагида ўтказиш.</p> <p>2. Аниқлангунга қадар шахсий хисобварагидаги қимматли қоғозлар даромадларини олиш учун мурожаат килган қимматли қоғозлар эгаси ёки унинг меросхўрини идентификация қилиш ва қимматли қоғозлар даромадларини уларнинг хисобваракларига ўтказиз бериш.</p> <p>3. Аниқлангунга қадар шахсий хисобварагидаги қимматли қоғозлар даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойихалар миллий агентлигига тақдим этиш.</p>	<p>шу куннинг ўзида</p> <p>5 иш куни</p> <p>хисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай</p>

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 22 майдаги 17/21-сон «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори.

**2024 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-4.**

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 30 майдаги 15-сон «Уруғлик пахта хом ашёсини жамғариш, белгиланган стандарт талаблари бўйича сақлаш ва дастлабки қайта ишлашгача бўлган жараённинг тўғри бажарилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги бўйруфи.

**2024 йил 25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3522.**

3. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 6 майдаги 4-сон «Қимматли қофозлар даромадлари (дивидендлар, фоизлар) тўловларини «Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» АЖ ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги бўйруфи.

**2024 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3523.**